


# *Бобур девони*

***Кобул нашрига такмила  
(қўшимча)***

Нашрга тайёрловчи

**ШАФИҚА ЁРҚИН**

HD 30806  
293



**Бобур девони:** Қобул нашрига қўшимча / Нашрга тайёрловчи Шафиқа Ёркин. – Т.: «Шарқ», 2004. – 112 бет.

**ББК 84.(5У)1**

## ТАҚРИЗ

Афғонистоннинг пойтахти Кобул шаҳрида 1983 йили афғонистонлик ўзбек олимаси Шафиқа Ерқин Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг маълум бўлган қўлёзма девонлари асосида Бобур шеърларининг йиғма матнини нашр этган эди. Аммо бу нашрга Истанбул (Туркия) университетиде сақланаётган Бобур девони қўлёзмасининг охириги саҳифаларидаги шеърлар киритилмай қолган.

2001 йил Тошкентда Шафиқа Ерқин ўша Истанбул қўлёзмасидан олинган (№ 3743) нусхасидан фойдаланиб, шу камчиликни тўлдирди. У ўша қўлёзмада аввалги нашрга кирмай қолган Бобур шеърларининг ҳаммасини йиғиб бир тўплам тузди. Форсий тилидаги шеърларини эса ўзбек тилига назм билан таржима қилди. Натижада ҳозирги китобхон Бобурнинг шеърий мероси билан тўлароқ танишиш имконига эга бўлди.

Кобул нашрига бу қўшимча (такмила) Шафиқа Ерқин ёзган кириш сўзи билан бошланади. Унда олима Истанбул университетидеги қўлёзманинг (№ 3743) қисқача илмий таърифини берган, сўнгга газаллар (5 та), қитъалар (10 та), маснавийлар (9 та), тўртликлар (10 та), туюқлар (2 та), фардлар (57 та), муаммолар (53 та), яна маснуъ шеърлар, рубоий, таржеъбанд ва нома бор. Булар ҳаммаси ўзбек тили (туркий)да.

Булардан ташқари, форс тилида бир газал, 80 та рубоий, 4 қитъа, 10 та фард ва бир нома бор.

Ушбу такмила-тўпламдаги шеърлар матни билимдонлик ва ҳафсала билан тузилган. Форсий шеърларининг ўзбек тилига таржимаси катта маҳорат билан амалга оширилган.

Ушбу тўплам туфайли Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг 195 та янги, ҳозиргача илм аҳлига маълум бўлмаган катта-кичик шеърий асарлари илмий истеъфодага киритилади. Уни имкон борича тезроқ нашр этиб, жамоатчиликка етказмоқ мақсадга мувофиқдир.

Академик Азиз Каюмов  
Тошкент, 5.12.2001 й.

## КИРИШ СЎЗ

Захириддин Мухаммад Бобуршоҳ ўзбек-форс адабиёти тарихида ёрқин из қолдирган зуллисонайн шоир, Мовароуннахр, Афғонистон ва Ҳиндистон тарихи, жуғрофияси, этнографияси, демографияси, иқлими, фольклори, мухтасар қилиб айтганда, бу юртлар ҳамда унда яшайдиган халқлар ҳақида кўплаб аниқ маълумотларни берувчи комусий асар — «Бобурнома»нинг муаллифидир.

Бобурнинг ижоди, айниқса, «Бобурнома» асари жаҳон халқлари орасида кенг шуҳрат қозониб, турли тилларга таржима қилиниб чоп этилган ва этилмоқда. Жумладан, Бобурнинг девони айрим кўлёзмалар асосида бир неча бор турли ўлкаларда нашр этилди, унинг ҳаёти ва шахсияти, асарлари ҳақида алоҳида мақолалар, монографиялар, рисоалару китоблар ёзилиб, ҳар томонлама илмий тадқиқ қилинди.

Афғонистонда ҳам Бобурни ўрганиш тарихи узок ўтмишга эгадир. Бобур Афғонистонни севиб, унинг қалби бўлмиш Кобулни «халиса», деб эълон қилгани ва ўлими олдидан «мени Кобулда дафн қилинганлар» деб, васият қилгани унинг бу юртга нисбатан бўлган самимий меҳридан далолат беради. Бобурнинг бундай муносабати Афғонистон олимлари ва тадқиқотчиларининг унга бўлган қизиқиш ва эҳтиромини уйғотди ва шоир ҳақида кўплаб тадқиқотларнинг юзага келишига сабаб бўлди. Проф. Абдулхай Ҳабибий, Устод Салоҳуддин Салжуқий, Устод Халилулло Халилийларнинг Бобур ҳақидаги йирик илмий тадқиқотлари шу меҳру муҳаббат нишонасидир.

1983 йили Бобурнинг 500 йиллиги Кобул шаҳрида, Афғонистон Фанлар академияси томонидан нишонланиб, шу муносабат билан шоир девонининг илмий-танқидий матни муфассал муқаддима, сўзлик ва изоҳлар билан ушбу сатрлар муаллифи томонидан тайёрланиб, чоп қилинди. Бу нашрда Туркиянинг Истанбул университе-

ти, Тўнқони саройи ва Муаллим Жавдат кутубхоналари, Париж миллий кутубхонаси ва Ҳиндистоннинг Рампур кутубхонаси қўлёзма нусхаларидан фойдаланилган. Бундан ташқари, Бангол, Истанбул, Петербург, Тошкент ва Москва нашрлари ўзаро солиштирилиб, уларда юз берган хатолар ҳам кўрсатилган эди.

Бобур девонининг ушбу нашри Ўзбекистонда «Кобул нашри» номи билан машхур бўлиб, hozirгача энг тўлиқ ва тўғри матн ҳисобланади. Унинг асосида проф. А.Абдуғафуров ва Муҳаммадхўжа ўғли Ҳасанхўжа томонидан Бобур девонининг янги нашрлари чоп этилган (аммо Кобул нашрида кўрсатилган олдинги нашрларнинг хатолари бу икки нашрда қайтадан такрорланиб, янги матний ва матбаа хатоларга йўл қўйилган).

Биз «Девони Заҳириддин Муҳаммад Бобур»ни тайёрлаётган вақтда, баъзи бир сабабларга кўра, Истанбул университети кутубхонасида сақланаётган Бобур девони қўлёзмасининг охириги саҳифаларини нашрга кирита олмаган эдик. Яъни, Бобурнинг ушбу қўлёзмасидаги бир қанча форсча шеърлари, ўзбекча муаммолари, маснуъ шеърлари, маснуъ таржиъбанди (маснуъ таржиъ байтга боғлаган шеърлар), мансур номалари ва ўзбек тилида ёзган бир қанча ғазал ва туюқлар, рубоий ва маснавийлар, китъа ва фардлари ҳамда аруз вазнларига доир Бобур ёзган икки саҳифали матн Кобул нашрига киритилмай қолган эди (Олдинги нашрлар ҳамда Бобур девонининг Кобул нашри асосида тайёрланган сўнгги икки нашрда ҳам ушбу шеърлар киритилмаган).

Бобур Халқаро фонди билан ҳамкорликда олиб борган изланишларимиз самараси ўларок, бахт ёр бўлиб, юқорида айтиб ўтилган Истанбул университети кутубхонасида сақланаётган Бобур девонининг тўлиқ қўлёзма нусхаси қўлимга тушди. Бу нусхадан фойдаланиб, Бобур девонининг такмила (қўшимча)сини нашрга тайёрладим. Мана энди шу нусха асосида «Бобур Девонининг Такмиласи»ни азиз ўқувчиларга тақдим этмоқдамиз.

Бобур девонининг ушбу қўлёзма нусхаси тавсифи қуйидагилардан иборат:

- Бу қўлёзма нусха 3743 рақами остида Истанбул университети кутубхонасининг Туркий қўлёзмалар бўлимида сақланади.

- Хати настаълиқ бўлиб, қўлёзmannинг ўрта саҳифаларидан икки-уч варағи ёмонроқ хат билан ёзилган.
- Нусха 104 варақдан иборат бўлиб, безаклар, тазхиблар ва жадваллари йўқ.
- Варақларнинг бичими 20 га 13,5 см. бўлиб, хар саҳифада 9—13 сатрғача матн ёзилган.
- Қўлёзmannинг китобат тарихи маълум эмас, аммо хижрий 935 йил нусхасининг юзидан кўчирилган.
- Қўлёзмада Бобур шеърятига онд қуйидаги асарларни кўриш мумкин: «Волидия» рисоласининг таржимаси, ғазаллар, рубойлар, маснавийлар, муаммолар, матлаълар ва фардлар. Нусханинг охирида Бобурнинг форсча шеърлари ва икки саҳифадаги аруз вазиларига доир фикрлари жой олган.
- Нусханинг 1-Б саҳифасидан «Волидия» рисоласи таржимаси бошланиб, 11-А саҳифасида тугайди. Қолган шеърлар қуйидагича жойлашган:
- ғазаллар 13Б-42Б, маснавийлар 43Б-52Б, рубойлар 52Б-76А, муаммолар 76А-80Б, китъалар 80Б-83А, туюқлар 83А-84Б, матлаълар 84Б-88А, маснуъ шеърлар 88А-90Б, маснавий, рубой ва таржиъбандлар 91А-98Б, мансур мактублар 98Б-99Б, форсча шеърлар (ғазаллар, китъалар, рубойлар ва фардлар) 99Б-102Б, аруз вазилари хақида қайдлар 102Б-104Б варақларидан жой олган.

Юқорида кўриниб турганидек, мазкур қўлёзма Бобур девонлари орасида энг тўлиқ ва ишончли нусха бўлиб, бошқа нусхаларда учрамаган шеърини намуналар, жумладан, таржиъбанд, маснуъ шеърлар, мактублар, форсча шеърлар унда мавжуддир. Ушбу шеърлар нафакат сон жиҳатидан Бобур ижодини бойитади, балки жанр нуқтан назаридан турли шеърларнинг тўплангани, шон ижодининг янги қирраларини очиб беради.

Биз бу нусхадан фойдаланиб, хижрий 1362 (1983 милодий) Кобулда нашр этилган Захириддин Мухаммад Бобур девонига киритилмаган ва нашрдан тушиб қолган шеърларни қўшиб, баъзи ноқис қолган шеърларни такмил қилиб, мероснинг тўлиқроқ илмий-танқидий матнини қайтадан чош қилмоқчи эдик. Афсуски, хозирча бунга имконият бўлмай турибди. Шунинг учун ушбу китобчада нафакат Бобур девонининг Кобул нашрига кирмаган

шеърларни киритиш ва баъзи номукаммал ҳолда чоп бўлган шеърларни мукаммал шаклда нашр этишга қарор қилдик.

Бобурнинг форсча шеърлари ва мактуби ушбу сатрлар муаллифи томонидан таржима қилинди. Биз бу манзум таржимада имкон қадар Бобурнинг тили, услуби, қўллаган сўзларию бадий санъатлари, қофияси ва арузий вазнларини сақлашга ҳаракат қилдик. Бир-икки шеър таржима қилинмай қолганининг сабаби шеърда тарсий ва тажнис санъатининг қўлланганидир. Ҳар бир тилнинг ўзига хос кўп маъноли сўзлари борки, уларни бошқа тилга таржима қилиб бўлмайди. Таржима қилган ҳолда ҳам печа маъноли бир сўз ўрнига бир неча сўзларни ишлатиш лозим бўлади. Бу ҳолатда шеърнинг гўзаллиги ва шоирнинг маҳорати йўқолиб кетади. Бу ўзбекча шеърӣ ва насрий таржималар ўзбек ўқувчиларига Бобурнинг форсча мероси билан яқинроқ танишиш имкониятини яратади деб, умид қиламиз.

1993 йилда Бобурнинг 510 йиллиги Афғонистоннинг Жўзжон вилоятида таптанали байрам ва илмий анжуманлар ўтказиш билан нишонланди. Шу муносабат билан Муҳаммад Халим Ёркин томонидан «Бобур мангулиги» номли тўнлам нашр этилди. Бу китобда Бобурнинг Кобул нашрига кирмаган 52 муаммоси ҳам эълон қилиниб, жумладан, 27 муаммо ушбу сатрлар муаллифи томонидан ечилган эди. Биз «Бобур девони такмиласи» (қўшимчаси)да мазкур муаммоларни «Бобур мангулиги» китобида кўрсатилган ечим (яна 3 муаммо ечилади) билан бирга тақдим этиб, қолган муаммоларни зехни ўткир китобхонлар ҳал қилишларига ишонамиз.

Бобур девонининг қўлимиздаги 3743 - сонли қўлёзма нусхасининг копияси 2001 йил 14 февралда Бобурнинг 518 йиллиги муносабати билан Андижонда ўтказилган тадбирдан сўнг Бобур Халқаро фондининг «Бобур ва жаҳон маданияти» китоб музейида «Бобур девонининг Андижон нусхаси» номи остида сақламоқда.

Бобур девонининг ушбу нусхасида баъзи шеърлар ва сўзларда кераклича нукта қўйилмаган ё нукталар қўйилганда ҳам ўз жойида қўйилмаган, гоҳида сўзларнинг ости, усти ё орасида баъзи бир сўзлар кичикроқ қилиб ёзилган. Шунинг учун қанчалик уринмайлик, баъзи жой-

ларни ўқий олмадик. Ўқилмаган жойлар уч нукта (...), маъноси аниқ кўринмаган сўзлар савол (?) аломати билан кўрсатилди. Шунингдек, баъзи жойларда бирор сўз котиб томонидан кўчирилмай тушиб қолган. Шеърнинг вазни, маъноси ва Бобур услуби ёрдамида уларни тўлдириб, ( ) аломати ичида кўрсатилди. Биз бу уринишларни Бобурга бўлган холис мухаббат, кадршунослик ва чексиз ҳурматимиз юзасидан қилдик. Агар билмай туриб бирор хатога йўл қўйилган бўлса, Бобурнинг пок рухидан ва барча шоир ихлосмандларидан узр сўраймиз.

Қўлингиздаги тўпلام 2001 йили нашрга тайёрланган эди, бироқ нашри кечикди. 2004 йили босмахонага юборилаётган замонда Бобур девонининг Истанбул университети кутубхонаси қўлёзмасининг Анқара шаҳрида «Ототурк маданият маркази» томонидан 1995 йили Др. Билал Южил қилган нашридан хабар тондик. Мазкур олим Бобур девонининг айтиб ўтилган қўлёзмасини бир тўпلامда ҳам факсимел, ҳам Турк Лотинча ёзуви билан нашр қилиб, шеърларнинг арузий вазилари ва грамматик томонларини кўрсатиб, сўзлик ва шеърларнинг алифбойи рўйхатини тузган.

Сўзимиз сўнгида бу ихчам такмилани нашрга тайёрлашда менга илмий маслаҳатлар берган барча олимларга, айниқса, унинг нашрини ўз зиммасига олган Бобур Халқаро фонди раиси З. Машрабовга ўз миннатдорчилигимни изҳор этаман.

**Шафика Ёркин,**  
*филология фанлари номзоди,  
Бобур халқаро мукофоти лауреати*



## Ўзбекча шеърлар

### Ғазаллар

Чаманда сарвни ўлтурғузубтурур юруши,  
Қиёмате қўпорибтур от узра ўлтуруши.

Мени шикастани қистаб, қўнгулни ғунча қилур,  
Қошини четмоғи бирла тор оғзини буруши.

Сўруб ғамимни, таажжуб қилиб, лабин тишлар,  
Не хуштурур менга ирнини тишлабон сўруши.

Турар рақиб чиройин туруш қилиб доим,  
Тили чучук санамим, яхшидурму бу туруши?

Кўрар рақибни доим, хаёл этар мени ғайр,  
Не айлагай анга Бобурки ғайрдура кўруши.

\* \* \*

Улки юз Лайливаш онинг ишқидин Мажнундурур,  
Хўблар султони Мирзо Қосими Арғундурур.

Тирборонидин ул чобукнинг, эй қўнгул, не бок?  
Гарчи беҳад тездур, юз шукрким, ўткундурур.

Зухд саҳросига туштум ишқ йўлидин озиб,  
Бобури гумрахни эмди ким бу йўлга кўндурур?

\* \* \*

Ҳабиб бўлса эди, ё рақиб ўлса эди,  
Рақиб ўлса эди, ё хабиб бўлса эди.

Қўнгулга меҳнату ғам ҳар не бўлса, бўлса эди,  
Ки ёрча қотилиб, ғайрдин қутулса эди.

Фироқ шаҳрида бўлғунча кош кўйингда  
Таним сўнгак бўлубон, сўнгаким укулса эди<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Кобул нашрида бу мисраси йўқ. 120-б.

\* \* \*

Бу ғамдаменки, ишим фикрини не навъ этайин?  
Не ерда сокин ўлай, не қилай, қаси кетайин?

Не дайрдин эшиким очилур, не масжиддин,  
Неча эшикдин эшикка гадо киби етайин?

Жаҳон эли била била гуфту шунуд қилмасмен,  
Неча сўзумни дейин, неча қотик иштайин?

Замона ахлиға қотилдиму кота қолдим<sup>1</sup>,  
Ўзумни куч била бу данг элга не қотайин?

\* \* \*

Маяки софак ўлса икки манак,  
Шўхаке тобу кажак жаманак.

Маяки пур нишотаки мастак,  
Шўхаки беҳаёяки бизанак.(?)

Шўхаке бўлса, асру хушсуханак,  
Суханак айласа, очиб даҳанак.

Хубак ўлса бу янглиғ ул чаманак,  
Ким гулак бўлса анда настаранак.

---

<sup>1</sup> Кобул нашрида бу мисра йўқ. 76-6.

## Қипғалар

Хуросонға үн ой тортиб черик Кобул сори ёндук,  
Қиш ичра Чихчирон бирлаким, ул йўл ваҳми жон олди.

Бу фурсатта киши ўтмойдурур харгиз бу добондин,  
Биз ўттуқ, лек элнинг илик- оёғин совуқ чолди.

Неча кун қор тениб, муз ёстониб, ташвиш ила кўндук,  
Совуку қор асру беҳад учун эл кўнгул солди.

Жебаю отлари элнинг қолди аксар йўл ёмон учун  
Бу юрушта зиён қўб бўлди, боре яхши от қолди.

\* \* \*

Эйки, дебсен лутф этиб, лутфи итобomez ила:  
Кўнглунг истар ёрлар бирла ҳамеша шод бўл!  
Мендину кимдин яна бордур ниқори хотиринг?  
Мендину кимдинки кўнглунг истамас, озод бўл!

\* \* \*

Фироқинг ўлтурур охир мени дилхастани бешак,  
Мени ўлтур висолнингда, не яъни андоқ ўлтурмок.  
Неча носих насихат дегаю, мен ҳам не қилгаймен?  
Азалда чунки бордур бу кўнгулга кўргулук эмгоқ.

\* \* \*

Тарики фақр сулук аҳлиға не хуш йўлдур,  
Вале бу йўлда керакликтурур рафики шафик.  
Тарики фақр агар истасанг, бери келким,  
Сулук аҳли демни: «алрафику сумма тарик»<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> М а ъ н о с и: биринчидан рафик-дўст танла, сўнгра йўлга чиқ.

\* \* \*

Билур жаҳон эликим меҳмон зиёфатидин,  
Менинг тариқим эмас ижтиноб қилмоғлиқ.  
Ҳаво хуш эрдию, аҳбоб доғи қўймадилар:  
Зарурат ўлди чоғир иртиқоб қилмоғлиқ.

\* \* \*

Даврон ғами била ситамини унуттурур,  
Ул сабзчеҳра ёр хаёли аладдавом.

Хижронида хаёл этаолмон бу турфақим,  
Васлида ҳам хаёл агар бўлса, барча хом.

Васфида хомлиқ агар ўлса, не ғамдурур,  
Чун дафъ этар хаёли ғаму ғуссани тамом.

Йитгач бу пайк, пайкни ботроқ равона қил,  
Бот йитгусидурур манга, қилсанг гар эҳтимом<sup>1</sup>.

Чун ёри роздор қилурмен сени хаёл,  
Асрор фош айлама зинҳор, вассалом.

\* \* \*

Отани чунки қибла дебтурлар,  
Қибла янглиғ анга назар қилғил.  
Ота оғритма, эй отам, зинҳор,  
Ота озоридин ҳазар қилғил.

\* \* \*

Не суд ашқдин<sup>2</sup> пой дар гиллиғим,  
Чу ил дўстлардин ул ой юб эмиш.  
Ўзин фориғу бизни қилғон асир,  
Ким эрмиш бу янглиғ? ул Айюб эмиш.

\* \* \*

Тамоми ҳусн эли соғу хушёр эканда,  
Дурушту тунд агар бўлсалар, билинги еридурур.  
Чоғир керакки ичиб нарм<sup>3</sup> бўлса барча йигитлар,  
Чоғир кетур, бори хублар чоғирға тушуқларидурур.

---

<sup>1</sup> Кобул нашрида бу байт нуқ. 180-6.

<sup>2</sup> Кобул нашрида: Не суд ондин. 182-6.

<sup>3</sup> Кобул нашрида: базм. 182-6.

## Рубоийлар

Бобурки демас ҳар кишига ҳар сўзини,  
Элчинга деди вале саросар сўзини.  
Султонали ар сўзум сенга деса, не тонг,  
Оре, лаку дак<sup>1</sup> дегай қаландар сўзини.

\* \* \*

Келмас кўзума қуёш кеби гар мингдур,  
Ёқмас менга гар ой минги янглиғ мингдур.  
Гил бирла гул ичра фарқ эта олмасмен,  
Гулхан била гулшан менга эмди тенгдур.

\* \* \*

Кўнглумки, эрур қуёш киби юзунго,  
Йил ўтдию, келмади бу сори ул мох.  
Тил бирла қўнгул ишқ аро бир қилдиму бас,  
Ёр офритти ғамин кўнгулни аммо.

\* \* \*

Насён қаламин неча менга сургайсен<sup>2</sup>,  
Вакт ўлдики хажр номасин бургайсен.  
Будур тилагим, хатимни чун кўргайсен,  
Албатта ўзунгни менга етқургайсен.

\* \* \*

Ёраб, менга тунд бўлди шохим билмон<sup>3</sup>,  
Кўз ёшидин ўзга узрхоҳим билмон.  
Бир ҳамназар етмас эътиқодимни билур,  
Ҳар лаҳза итоб этар, гуноҳим билмон.

---

<sup>1</sup> Бу сўз тўғридан тўғри, мулоҳазасиз сўзлашнинг ифодасидир.

<sup>2</sup> Кобул нашрида: насён қилибон неча менга кўргайсен. 158-б.

<sup>3</sup> Кобул нашрида: ёраб, менга нетди бўлди шохим билмон. 158-б.

## Маснавийлар

Килур жавлон ушул симинтан отлиғ,  
Оти бордур анинг гўё қанотлиғ.

Туғидек жисми ел бирла мараккаб,  
Шахобедур валекин оти ашҳаб.

Не ашҳабдурки, елдур тезликта,  
Губоридин абирангезликта.

Борур гарчи ўни фарсанг-фарсанг,  
Вале ўз ўнига ул пешоҳанг.

Қадам қўйса таваҳҳумдин муқаддам,  
Эмас жисм, ул эрур рўҳи мужассам.

Жиловин чекмаса рокибни ул хин,  
Чикарғай лохалою ломалодин.

\* \* \*

Гар Ўн икки Мақом тутсанг ёд,  
Қилайин барчани сенга теъдод:

Бор Сафохон, Наво, Бузург, Ирок,  
Роҳави, Рост, Зангўла, Ушшоқ.

Зерафгад, Бусалик, яна,  
Чун Ҳусайний, Ҳижоз, ўн икки сана.

Бўлди мазкур бу Ўн икки Мақом,  
Барчаси байна, байна, ном ба ном.

Аввалин харфи ҳар Мақом, эй ёр,  
Насдуру Заръу Ҳубни кил такрор.

Энди шарҳ айлайин Шаш Овоза,  
Бир- ики байт айтайин тоза:

Моя, Наврўз, яна Салмак бил,  
Яна Гардония, Гувошт дегил.

Яна Шахноз, барча бўлди шаш,  
Борининг жамъи харфи: «ман саггаш»<sup>1</sup>.

\* \* \*

Қўнгулга дарду ғамни не ёвутай?  
Ўзумни ову қуш бирла овутай.  
Жаҳоннинг аҳлидин узгил тамаъни,  
Бу олам ичра бўл озода, яъни.

\* \* \*

Улки, тақдир хатин этти савод,  
Айлади оқу қарони иршод.  
Пайваста қошини менга читиб,  
Киршик ўқини менга отиб.

\* \* \*

Эй кодири баркамол, тангрим,  
Вэй қохири зулжалол, тангрим.

Эй бергучи биру бор, тангрим,  
Вай олғучи гирудор, тангрим.

Бўлмас сифатинингни деса, нечун?  
Ким борсен, эй худой, бечун.

Ар туфрок эрур камолинг андин,  
Афзунрок эрур жалолинг андин.

Қўб сўз эшитилди мағфираттин,  
Қўб нукта дейилди марҳаматтин.

Хар<sup>2</sup> сўзки эшитса, деса бўлмас,  
Сўз борки айтса деса, бўлмас.

Сомиъға агарчи қўб хавастур,  
Сўз мунда етишти, эмди бастур.

\* \* \*

Хуш ул кунларки, ошиқ эрдим,  
Ишқ аҳли била мувофиқ эрдим.

Хар не деса ишқдин, дер эрдим,  
Хар ғам эса ишқдин ер эрдим.

<sup>1</sup> Араб-форс алфавитида бу сўз (шаш) олти харфдан ташкил топган.

<sup>2</sup> Қўлёмзада аввал (қўп) ёзилган, кейин (хар) қилиб тузатишган 95-бет.

Қўнглумда, кўзумда ишқ эди, ишқ,  
Шеъримда, сўзумда ишқ эди, ишқ.

Не ёзда тинориму, не кузда,  
Не тоғда қарориму, не тузда.

Кўр сурати ишқким бор уч харф,  
Уч харфдурур вале хар уч харф.

Мажмуи ҳуруф тукқуз ўлғай,  
Хар ҳарфда бир ажаб сўз ўлғай.

Борини баён қилай, эшитгил,  
Қўнглунгга аён қилай, эшитгил:

«Айн»и, яъники: айб қилма,  
Бал, айб килурни кўзга илма.

«Ё»си, яъни: йиғидурур тавр,  
Гар ёр тараххум этса ё жавр.

«Нун»и буки: нанг бўлмағай ҳеч,  
Хар нечаки ранг бўлмағай ҳеч.

«Шин»: шавқдурур шиори ошиқ,  
Онсиз киши иши ори ошиқ.

«Ё»: ёд берур ягона бўлмоқ,  
Олам аро бенишона бўлмоқ.

«Нун»и буки: бу ишинг нихон тут,  
Дам урмаю ишқ ишида қон ют.

«Қоф»и буки: қавлунгга дуруст ўл,  
Ишқ ишида суст бўлма, руст ўл .

Айтай «алиф»ини, сенга, эй ёр:  
Озор бу ишда чеккил озор.

Бил охири жумла ҳарфи «фо»ни:  
Бўл охири кори ишқ, фоний

Ким бўлса бу васфларға мавсуф,  
Ул ошиқи комил, ўзгалар юф<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Нокис, беҳуда маъносида келган.



Лекин бу демонки, ишк бирдур,  
Бу васфлар ичра мунохасирдур.

Сен демаки, ишк ушбу-ўқдур,  
Ишк анвоъи, бил, асру чўқдур.

\* \* \*

Эй хуш улким, бори элдин ёшурун,  
Биз иков бўлсаку бир гўшаю тун.

Дафу чангею рубобе бўлса,  
Майю нуклею кабобе бўлса.

«Дарраи нур»<sup>1</sup> майин нўш этсак,  
Фами хижронни фаромуш этсак.

Мен ўзум ичсаму тутсам сенга хам,  
Сен дағи ичсангу тутсанг менга хам.

Дамбадам бодаи гулранг ичсак,  
Тун яримиғача ул ранг ичсак.

Маст ўлуб ётсак иков, андин сўнг,  
Не хузур ўлғуси ётқондин сўнг.

Умр аксар бу тарик ўтқарсак,  
Хуштурур гар бу тарик ўтқарсак.

\* \* \*

Синосу ситойиш худовандға,  
Ки андин кушод ўлди ҳар бандға.

Анга не мисолу, не монанддур,  
Худовандларға худованддур.

Анга не амиру анга не вазир,  
Анга не шабеҳу анга не назир.

Не ёрою не ҳаддурур кишига,  
Ки дахл айлағай тангрининг ишига.

Ёмонлиғ била яхшилиғ ул килур,  
Бурунғи била сўнгғини ул билур.

<sup>1</sup> Афғонистон шахарларидан бирининг номи



Азиз ул килур, хор хам ул қилур,  
Шифо ул берур, зор хам ул килур.

Басе подшони гадо қилғай ул,  
Гадоларни хам подшо қилғай ул.

Гадойиға бор шохликдин нуфур,  
Не шахлик, ки дорайндин юз футур.

Тилармен гадойиға бўлсам гадой,  
Бу давлатни қилғай муяссар худой.

Дейин ҳамдидин сўнг расулиға наът.  
Илоҳики, тушгай қабулиға наът.

Расули жаҳону хабиби худой,  
Ки андин келур элга тийби<sup>1</sup> худой.

Сенга ўзни бу кун мутеъ истарам,  
Сени тонглалик кун шафеъ истарам.

Набиға дуруд айтайин бардавом,  
Хам авлоду асхобиға, вас-салом.

Чу ҳамду санодин кўнгул топти ком,  
Қилай эмди мақсуд сори хиром:

Менинг сўзларим будур ахбобқа,  
Бори хелу атбоъу асхобқа.

Ки қилғаймен албатта дарвешлик,  
Тарикат йўлида вафокешлик.

Жаҳон ишларин жумла тарк этгамен,  
Кетар вақтта беасар кетгамен.

Хираддин бу иш гарчи кўб дурдур,  
Валекин бу девона маъзурдур.

Менга кўб жиҳаттин бу иш бўлди фарз,  
Жиҳатларни айлай борин сизга арз:

Бири буки, толеъ менга ёр эмас,  
Сипехру кавокиб мададкор эмас.

---

<sup>1</sup> Хушлик, майл, ризо маъносидадир.

Фалақдин етишти жафолар менга,  
Бало узра бўлди балолар менга.

Гаҳе қилди давлат била ҳамнишаст,  
Гаҳе қилди меҳнат била ерга паст.

Гаҳе тўлдурур жоми ишрат менга,  
Гаҳе келтурур дарду меҳнат менга.

Басе қалъа берди қабалмоқ учун,  
Кўтарди вале ерга чолмоқ учун.

Агар нўши бир бўлса, юз неши бор,  
Агар мархами бир, туман реши бор.

Бировни десам жон, қилур жонга қасд,  
Ебон тузни, айлар намакдонга қасд.

Бор эрмиш ажаб шум толеъ менга,  
Эсиз умрким бўлди, зоеъ менга.

Яна бир буқим ушбу фитрат чоғи,  
Ки бу жамъи бадбахт бўлди ёғий.

Дедим, бу йиғилғонга топсам зафар,  
Бу жамъи паришонга топсам зафар.

Қилай бартараф салтанатнинг ишин,  
Ўзумдин кам айлай улус қарғишин.

Яна салтанат зикрини қилмайин,  
Бу беҳуда иш фикрини қилмайин.

Худо йўли сори хиром айлайин,  
Бу йўл қатъида ихтимом айлайин.

Учунчи жихат будурур, дўстлар,  
Сўзум мағзидин айрайин пўстлар.

Не боғу не гулнинг ҳавоси менга,  
Не гулрўйлар муддаоси менга.

Не ёзу не куздин кўнгул очилур,  
Не ёзию туздин кўнгул очилур.

Не тиру не дайдин менга нашъадур,  
Не нуқлу не майдин менга нашъадур.

Не давлат қолибтурки, мен кўрмадим,  
Не ишрат қолибтурки, мен сурмадим.

Басе айшу кўб шурби май қилмишам,  
Бори орзуларни тай қилмишам.

Аларни борин кўрмишам, билмишам,  
Буларни борин топмишам, қилмишам.

Менга эмди кўб орзу йўқтурур,  
Ёмон нафсима кўб фулу йўқтурур.

Тааллуқ алойиқ била қолмади,  
Ишим бу халойиқ била қолмади.

Шариат ишида мени қодир эт,  
Тариқат йўлида мени собир эт.

Айирғил мени жумла хамроҳдин,  
Юзумни эвурма сўйи оллоҳдин.

\* \* \*

Не хабар эрди, сабо, етқурдунг,  
Не хабар, жонға бало етқурдунг.

Не келиб тунду не нохуш кетасен,  
Не димоғимни менинг хушқ этасен.

Борурунгда не сўзумга кирасен,  
Келасен тунду кўзумга кирасен.

Йўқ эмиш сабру саботинг, эй ел,  
Хунук эрмиш ҳаракотинг, ани бил.

## Шуртликлар

Тутмағил, эй гул, равоким, ишқинг ичра ҳар ғариб,  
Ерга бош қўйғай хазон яфроғи янглиғ сарғариб.  
Шахрдин безор бўлса, не ажаб, безар киши,  
Ишқ аро бемор бўлса, тонг эмас, бемар ғариб.

\* \* \*

Ёр кўб бемехрдур, толеъ баче ноиътамид,  
Ваҳки, кун- кундин бўлурмен ўз ўзимдин ноумид.  
Васл борғондек кўнгулдин борди илгимдин кўнгул,  
Не менга андин хабардур, не анга мундин навид.

\* \* \*

Келки, бормай сени кўрмай юз туман армон била,  
Мақдамингда нақди умрум сарф айлай жон била.  
Неча истарсен менинг дардимга дармон, эй табиб,  
Ишқ дарди яхши бўлғайму экин дармон била?

\* \* \*

Неча меҳрсизликтин хижрон йўлига борғай?  
Ким бу йўлдин, эй кўнгул, ул қуёшни қайтарғай?  
Ҳеч эшитмайин сўзни ғамга солдилар ўзни,  
Ё кўнгулни ё кўзни, қайси бирисин қарғай?

\* \* \*

Абдуссамади Тархон, ишрат била бўл беғам,  
Абдуссамади Тархон, ишрат била бўл хуррам.  
Эл ҳамдами бўлғанда, ишқингда ғаму меҳнат,  
Абдуссамади Тархон, ишрат била бўл ҳамдам .

\* \* \*

Хаёл этсам ул белни, хол элтадур,  
Мени бели сори хаёл элтадур.  
Қадининг хаёлин кўз асраб магар,  
Кўнгул равзасига ниҳол элтадур?

\* \* \*

Эй хуш улким, қилса ғамдин кўнглини огоҳ ишқ,  
Айласа беғамлиғининг қиссасин кўтоҳ ишқ.  
Вах не кун бўлғайки, қовлаб ақлу доғиш хайлини,  
Бўлса жон бирла кўнгулнинг кишварида шоҳ ишқ.

\* \* \*

Сафар азмини қилдинг, мен бораолмай туруб қолдим,  
Назар лутфини<sup>1</sup> қилдинг мендину мен телмуруб қолдим.  
Анингдек тунд сурди хажр рахшин ул қарокўзлук,  
Йироқтин юз алам бирла қаросини кўруб қолдим.

\* \* \*

Сени кўрмаслик кўнгулга ғам эди, жонимға ҳам,  
Ғайрнинг кўрмаклиги бўлди алам узра алам.  
Ё сенинг кўрмаклигингдин ғайр бўлса эрди дафъ,  
Ё сени кўрмайдурурмен, ғайрни ҳам кўрмасам.

\* \* \*

Қади фуркати мени дуто қилур,  
Қоши хажри қоматимни ё қилур,  
Неча ғайрға ул ой вафо қилур?  
Неча жонима менинг жафо қилур?

---

<sup>1</sup> Қўлёзмада шундай ёзилган, ammo бизнингча (назар атфини қилдинг мени...) бўлиши керак, негаки (лутф) сўзи келганда (мендин) эмас, балки (менга) бўлиши лозим бўларди.

## Шуюклар

Кобулу Фазни элига айтингиз:  
Бизга ер эмди Хушобу Берадур<sup>1</sup>.  
Кай сорига боргасизким, мулку мол,  
Бизга мунда Ҳақ таоло берадур.

\* \* \*

Кимки, мубтал<sup>2</sup> этар ул ётишини,  
Синдурурлар бошини ё тишини.  
Негаким, ўз ишини тарк этибон,  
Ҳарзагард ўлуб, этар ёт ишини.

---

<sup>1</sup> Хушоб ва бера (бехра) Афғонистоннинг икки шахрининг номи.

<sup>2</sup> Қўлёмада (маътал ё бетабл) аммо (мубтал) яъни ботил (уйкуга ботиб, бомдод намозини қазо қилиш) деган маъно тўғрироқдир. Чунки, арабчада маътал сўзи (муаттал) шаклида ўқилади. Бу ерда муаттал деб ўқилса, шеърнинг вазни бузилади, 856-6.

# Фардлар

## Асоми чор ёр (ра.):

Аларким, шаръ алардин мунжалидур,  
Абубакру Умар, Усмон, Алидур.

\* \* \*

## Асоми дувоздах имом (ра.):

Тўрт Али, уч Муҳаммад, икки Хасандур,  
Жаъфару Мусо, Хусайн, ўн икки тандур.

\* \* \*

Кутулмоқ фирокингдин осон эмас,  
Етишмак висолингға имкон эмас.

\* \* \*

Дардинг ўлса, иложни нетайин?  
Сенсизин тахту тожни нетайин?

\* \* \*

Меҳрубон истаб, балои бевафоға учрадим,  
Бевафо эрмиш, худойим, не балоға учрадим?

\* \* \*

Бўлдум яна ошуфта, девона дағи бормен,  
Гўёки бу фурсатта ошиқ бўлуб ўхшормен.

\* \* \*

Кошки эл бирла ул махваш ҳикоят қилмаса,  
Ё ҳикоят қилганини эл ривоят қилмаса.

\* \* \*

Кўнглум висолидин хушу кўзумда нурдур,  
Кўз равшани, кўнгул хуши Абдушукурдур.



\* \* \*

Бўлмади харгиз, нетай, ул бевафо ёрим менинг,  
Гар менга ёр ўлса ул, бўлгай худо ёрим менинг.

\* \* \*

Ёрнинг ағёрға меҳру вафосин англадим,  
Нотавон кўнглумга ҳам жавру жафосин англадим.

\* \* \*

Қадин кўз жўйборига ул ой бехост келтурса,  
Оёғидин кўтармай бошни, Тангри рост келтурса.

\* \* \*

Не осиф ишқ аро манъ айламак оху фигонимни,  
Ки мен барбод бермишмен бу йўлда хонумонимни.

\* \* \*

Сенгаким, арзи ҳолимни адо мен нотавон қилдим,  
Муборак хотирингга нохуш-ар келса, ёмон қилдим.

\* \* \*

Муштокдурур хаста кўнгул васлинга бисёр,  
Ёрим кеча келгилки хабар топмасун ағёр.

\* \* \*

Эйки, лаъли жонфизоинг нуқлу майдин яхшидур,  
Келгил ушбу кеча, юз кўрсатки, ойдин яхшидур.

\* \* \*

Келки, жонда фурқатингдин доғи хирмон қолмасун,  
Қолмасун ғамда кўнгул, кўнглумда армон қолмасун.

\* \* \*

Ишқинг майидин, эй жонким, масту беҳабармен,  
Гоҳи ўзумда йўқмен, гоҳи ўзумда бормен.

\* \* \*

Кўзум ёруғлунию хаста кўнглум хушлиғи сенсен,  
Баданда жонсену жоннинг дағи дилкашлиғи сенсен.

\* \* \*

Сенга ҳолимни ёздим сажда қилдим,  
Айтқилким, не ёздим, не ёнгилдим?

\* \* \*

Отин оғзимға олдим, эрса тортар тири кин ул маҳ,  
Мени гар ўлтурур бўлса бу ёзуқ бирла, бисмиллах.

\* \* \*

Мени йўқ эътиқоди деб, бори эл ичра ёд этма,  
Худой учун бори элни ўзунгдек эътиқод этма.

\* \* \*

Жаҳон чун бевафодур , нечаким андеша Бобур қил,  
Ўзунгни подшоҳи жумлаи олам тасаввур қил.

\* \* \*

Меҳр ила хурсанд этарсен, жавр ила помол ҳам,  
Бир замон ғамгин килурсен, бир замон хушҳол ҳам.

\* \* \*

Кўрмас жаҳонда харгиз кўнглини шод Бобур,  
Тоғмас муроди дилни, эй номурад, Бобур.

\* \* \*

Бу кўзаки, бўйнуғма қўюб келмишам они,  
Хар ким бу чоғир ичмаса, ўз бўйниға қони.

\* \* \*

Ёд айламадинг харгиз, мунчаки ёлинибмен,  
Сен мени соғинмайсен, мен сени соғинибмен.

\* \* \*

Хати бирла ул ой хадди: бири — моҳу бири — ҳола,  
Юзи бирла анинг қадди: бири — сарву бири — лола.

\* \* \*

Улфатим эл бирла оздур, кўбдур эл жаври менга,  
Не менинг таврим ёқар элга, не эл таври менга.

\* \* \*

Баҳор мавсуми еттию хуш ҳаво ўтти,  
Тағофул айлама соқики, ўтти, хо, ўтти.

\* \* \*

Бодадин ишрат ўйини донм обод этгасен,  
Хар қачонким, бода нўш этсанг, мени ёд этгасен.

\* \* \*

Ёраб, хавос жамъида Бобурни хос қил,  
Ёхуд авом тафриқасидин халос қил.

\* \* \*

Ўзга ҳамдам истабон, жонимға маҳрам пайлайин?  
Менмену ул ой хаёли, ўзга ҳамдам найлайин?

\* \* \*

Очилди кўнглум ўшал гулўзор келганидин,  
Нечукки, гунча очилғай баҳор келганидин.

\* \* \*

Бир фикру бир хаводадурур ҳар нафас кўнгул,  
Ҳар лаҳза бир хавас қиладур булхавас кўнгул.

\* \* \*

Висол шавқидамен, иштиёқ кўрсатма,  
Худой учун менга асру фирок кўрсатма.

\* \* \*

Неча бошимға ёдурғай жафо тошини ул маҳваш?  
Неча сабр айлай онинг жавриғаким, ўтди ҳаддин тош?

\* \* \*

Май хуморидин ўлур ҳар нафас афзун дардим,  
Соқиё, кел, бир аёқ берки, иликдин бордим.

\* \* \*

Жафони кўйи, вафо таркини тутма,  
Унутмасмен сени, сен ҳам унутма.

\* \* \*

Сенга ошиқ эмасменким, менга жавр этгасен доим,  
Сенинг нозингни ким тортар менинг сендин не парвоим?

\* \* \*

Гар кўзунгдин туштум эрса, кўрдум они бодадин,  
Бўлди таксир эмди сен ўткор мени уфтодадин.

\* \* \*

Чун зарурат бўлди, қилдим сендин айру майли жом,  
Ҳар чоғирким, ичмасам ёдинг била, бўлсуи ҳаром.

\* \* \*

Тасаввур қилмағилким, сендин, эй жон, ўзга қилғаймен,  
Кўнгул ул, фикр ҳам улдур, не имкон ўзга қилғаймен?

\* \* \*

Бормаким, кўнглумда васлинг иштиёкидур хануз,  
Келки, васлинг иштиёқи менда бокидур хануз.

\* \* \*

Эшикиннга бошим қўймоқ учун хар дам итоб этма,  
Бош олиб кетгум охир эшикиндин, изтироб этма.

\* \* \*

Яна ошуфтарок кўрдум ўшал номехрубонимни,  
Не иш қилдим? Не таксир ўлди? Билмасмен гунохимни.

\* \* \*

Ҳажр ила кўнглумни буздинг, васл бирла туз мени,  
Бордингу ўлтурдунг охир, кел, дағи тиргуз мени.

\* \* \*

Ўтган оқшом ваъда айлаб, ул парирў келмади,  
«Кўзларимга кеча тонг отқунча уйку келмади».

\* \* \*

Ичиб чоғирни ишим телбаликка ёвушти,  
Нечук таҳаммул этай, нчимга ўт тушти.

\* \* \*

Гўшае тутсам, жаҳоннинг элидин ғам кўрмасам,  
Истарам эл кўрмаса мению мен ҳам кўрмасам.

\* \* \*

Бизга чун меҳринг йўқ, элга меҳрубонлиғ қилмағил,  
Яхшилиғ чун қилмадинг, боре ёмонлиғ қилмағил.

\* \* \*

Жахон бирла жахоннинг аҳлидин беҳад малолим бор,  
Биридин қатъ этиб, ул бирга қотилмас хаёлим бор.

\* \* \*

Жонни фидо қилиб сенга, бормен дағи ёмон,  
Қилган ҳамондурур доғию қилмаган ҳамон.

\* \* \*

Эй сабо, шарҳ айлагил хижронда авқотим менинг,  
Ўтса ул шахннинг тобуғида агар отим менинг.

\* \* \*

Бўлди хажринг дўзахининг бартараф бўлмоқ чоғи,  
Ким висолингнинг далилидур кўзумнинг учмоғи.

\* \* \*

Ҳам хуснининг бинафшаю гул банда-бардаси,  
Ҳам сарв эрур чаманда бир озодқардаси.

\* \* \*

Тани зоримни де, гулшанда шохи нотавон кўрсанг,  
Сариф юзумни соғин, боғ аро барги хазон кўрсанг.

\* \* \*

Бобурдурур бу икки варақнинг мухаррири,  
Бири бутун варақтуру пайвандлар бири.

\* \* \*

Борму эркин ҳеч нема оламда хижрондин ёмон,  
Ҳарнеким ондин ёмонроқ йўқ, будур ондин ёмон

# Муаммолар

## 1-Ҳасан номига:

Хулқунгни рост қилғил ҳар сориғаки борсанг,  
Аҳсанта, дер, бори эл гар яхши от чиқарсанг.

*Ечими:* «аҳсант» сўзидан «от» чиқарилса, ҳасан қолади.

## 2-Бобур номига:

Эшиқинг остониға қўюбон икки юзумни,  
Ўпай гоҳе тавозеъ бирла, суртай гоҳ кўзумни.

*Ечими:* эшиқ (боб) сўзининг охирида икки юз «р» ҳарфи (абжад ҳисобида) қўйилса, Бобур сўзи ҳосил бўлади.

## 3-Иброҳим номига:

Неча отини эшитгач, оҳ уруб ўздин кетай,  
Оқибат бош борғусидур, Бобур, оҳимдан, нетай.

*Ечими:* «Бобур оҳим» сўзлари бошидан «б» ҳарфини чиқарсангиз, «Иброҳим» қолади.

## 4-Муъин номига:

Кўзумки, хати эрди анинг матлуби,  
Юз шукрки, равшан этти кўз мактуби.

*Ечими:* мактубининг кўзи-«м» ҳарфини кўз-«айн» ҳарфи билан қўшсангиз, «Муъин» номи чиқади.

## 5-Юсуф номига:

Ютодур таассуфдин фироқида кўнглум қон,  
Нетай бу бало бирла, недур, дўстлар, дармон.

*Ечими:* «ютодур таассуф» сўзлари бундай ифодаланган: «таассуф» сўзидаги «ю», «то» ўрнига келса, «Юсуф» номи ҳосил бўлади.

### **6-Холид номига:**

Кўнгулга ўт солур ул гулнинг икки юзининг оли,  
Ичимни куйдурадур ул каро зулф олида холи.

*Ечими:* «холи» билан «зулф», яъни «дол» қўшилса, «холид» бўлади. Ичини олсак, яъни «и»ни туширсак, «Холид» номи намоён бўлади.

### **7-Озод номига:**

Ишқ таврин истасанг, қошимға беэҳмол кел,  
Ишқ аро озор беҳад чекмишам ёд ол, кел.

*Ечим:* «озор» беҳад қилинса, «озо» бўлади. «Дол», «д» қўшилса «Озод» номи чикади.

### **8-Мир номига:**

Менинг бирла печаки йўқ маоши,  
Менинг бошим дағи ул ёр тоши.

*Ечим:* «менинг» боши «ме» агар «ёр», тоши яъни ташки харфи «р» билан қўшилса, «Мир» ҳосил бўлади.

### **9-Салмон номига:**

Улусдин меҳр олдик хох эриктик,  
Ул ой бори бизинг бирла эликтик.

*Ечим:* «улус» меҳри (у) олиб ташланса, қолган «лус» «бизнинг» форсчаси (мон)га илишиб, (сал) бўлса, Салмон номи юзага келади.

### **10-Озод номига:**

Безор бўлди кўнглум- озурда қилди чун ёр,  
Безор бўлғай ондин озор топса почор.

*Ечим:* кўнгул (дил) озурда бўлса, «л» тушиб, «д» қолади. Ва агар «безор» «озор» бўлуб, яна озор топса, яъни «р»си тушса, «озо» қолади. «Д» билан қўшилса, «Озод» номи ҳосил бўлади.

### **11-Толиб номига:**

Сифмас эдим тўнумға фараҳдин мени ҳазин,  
Бемехр ёр қилса атое либосдин.

*Ечим:* агар «ато» ва «либос»дан оз-оз (то) ва (либ) берилса, (толиб) номи чикади.

### **12-Умнат сўзига:**

Телба кўнглумни олдурубтурсиз,  
Бениёзини то кўрубтурсиз.

*Ечими:* «кўр» араб тилида «ум» агар (то)даги (т) харфи билан кўшилса, (умнат) ҳосил бўлади.

### **13-Бобо номига:**

Қаддинг хаёликим, берурам жон хавосида,  
Бордур магар алиф киби жоним аросида.

*Ечими:* агар қаднинг хаёли (алиф), (Б) харфлари орасига кирса, «бобо» бўлади.

### **14-сориг сўзига:**

Эй ҳусн сенинг барги гули андоминг,  
Юз лолани хор этти хади гулфоминг.  
Еткур бир аёғ бирла бошини кўкка,  
Гар орзуе қилса ғариби жоминг.

*Ечими:* бир аёғ форсида (соғаре)дир. Агар аёғнинг боши, яъни (ғари)нинг боши (→) кўкка, яъни ниҳоясига (охирига) етса, сориг сўзи ҳосил бўлади.

### **15-Сиёваш номига:**

Кўнгулни зуҳду таквою вараъдин ёндурубтурмен,  
Сени деб юз ёғочга эй париваш келтурубтурмен.

*Ечими:* (се) ёғочга (алифга) юз келтириб, (ваш)га олиб борилса, (Сиёваш) номи намоён бўлади.

### **16-аллома сўзига:**

Чун сени ёкмас, ул ойнинг жаврига юз боғлома,  
Ой юзини кўрмак истар бўлсанг, эй кўз, йиғлома.

*Ечими:* (кўз, йиғ, лома)дан мумкин бўлади. Яъни, агар арабча кўз (айн) (лома)ни йиғса (тўпласа), аллома бўлади.

### **17-Рафез номига:**

Чу бордур ушбу саргардон кўнгулга телбалик зотий,  
Таажжуб қилмангиз бошсиз эса харфи, ибороти.

*Ечими:* агар (харфи) бошсиз бўлса, (х) харфи тушиб қолади; агар колганини (ибороти) сўзини бошсиз қилиб, яъни (айн) харфини олса, (Рафез) номи ҳосил бўлади.



### 18-Одина номига:

Жон бирла кўнгулни ғамға ҳамхона дегил,  
Чун телбарадур, ғарқаи жонона дегил.  
Ул сарвға, эй кўнгул, бу афсона дегил:  
Бўлсун қадамингда ики девона дегил.

*Ечими:* девона сўзи иккига бўлиниб, «де» ва «она» олинса ва «о» ҳарфи бош ҳарф бўлиб, бошқалари унинг қадамига қўйилса, «Одина» номи чиқади.

### 19-Ёрий номига:

Телба бўлдум, эл демас ҳолимни, эй золим сенга,  
Ё бери келсанг, паёпай айтайин ҳолим сенга.

*Ечими:* агар «Ё»билан «ри» (иккинчи мисрада) пайдарпай келтурулса, «Ёрий» бўлади.

### 20-Ихтиёр сўзига:

Рақиб эвида ниҳон ўйнар ул ҳабиб қимор,  
Нетиб ўзумни унга ҳамдами қимор айлай.  
Чу ихтифои қимор ўлди ёр анда, бузор,  
Бу ишни элга не тил бирла ошкор қилай.

*Ечими:* учинчи мисрада агар «ихтифо»ни «ёр» бузса, яъни «ихтифо»дан «фо»ни айириб, ўрнига ўзи кирса, «ихтиёр» ҳосил бўлади.

### 21-Қиё номига:

Қуёшга, ёрни кўрган демас латиф они,  
Алинг узори қошида дегил касиф они.

*Ечими:* «ваш» ўхшатиш учун форс тилида ишлатилади. Агар қуёш ёрга ўхшатилмаса, яъни «ваш» ундан чиқарилса, «қиё» сўзи қолади.

### 22-Камол номига:

Кам кўрунса, не ажаб, ул гулўзор,  
Зулфиниким келтурубтур тор-тор.

*Ечими:* агар «ул гулўзор»нинг зулфи, яъни «ул» тортиб «кам» олдига келтирилса, «камол» сўзи ҳосил бўлади.

### 23-Надим номига:

Риндлар базмига етти шайху қўб қилди жафо,  
Бода жоми синмади дарҳам бўлуб этти асо.

*Ечими:* «ринд»га жафо қилинса яъни «р» харфи тушурилса «нд» қолади ва агар бода ё «май» дарҳам бўлса, «ям» бўлиб, «нд» билан қўшилганда «надим» бўлади.

Яна бир тур *ечими:* «жом» форсий тилда «мино». Агар «мино» дарҳам бўлса (харфлари жойидан бежо бўлиб), «ноим» бўлиб, асоси, яъни «алифи» синмай, асони бошидек ҳам қилинса, «дол» харфи тузалари ва «надим» сўзи ҳосил бўлади.

#### **24-Мехтар сўзига:**

Тилар фироқ ул ойдин мени ҳамиша йироқ,  
Чу мехр кўрсатур ул ой, недур муроди фироқ.

*Ечими:* «мехр» сўзи ўртасида «т» харфи фироқ келтурса, яъни «мех» ва «р» ўртасида «т» айрилиқ солса, «мехтар» бўлади.

#### **25-Байром номига:**

Харгиз менга ром бўлмас ул гулфомим,  
Билким, танимас отим зиҳи бадномим.  
Бу ғуссада мен ҳалок бўлдум охир,  
Бўлғайму отимни тониб оё ромим?

*Ечими:* бўлмаслик ва йўқлик «бе» билан форс тилида кўрсатилади. Масалан, бекор, бемурувват, бепул, беором сўзлари. Юкорида биринчи мисрадаги «харгиз ром бўлмас» ибораси ана шундоқ койдага «ром» бўлаолмаса, «бером» (форсий ёзувда: Байром) сўзи ўртага келади.

#### **26-Нодирий номига:**

Эрурмен турки ошиқ, кош билсам форсий қони,  
Десам ҳолимни, билгай форсийдон дилбарим они.

*Ечими:* бу муъаммо ҳам (25)инчи муъаммодек ҳал бўлади. Форсийни «дарий» ҳам дерлар. Бўлмаслик ва билмаслик ифодаси «бе»дан илова «но» билан ҳам дарий тилда кўрсатилади: дон-нодон, мард-номард, хуш-нохуш сўзларидек, Бобур бу муаммода мен туркман, дарий эмасман, деган ифодани «но» билан кўрсатиб «нодарий» (нодирий) сўзини тузатган.

#### **27-Соқий номига:**

Паре бўлди жонинг сенинг, Бобуро,  
Кўнгул қуши дилбастаи жонинг била.  
Кўнгул учмоғин истаса жидд қилиб,  
Учар ёр қил мунис онинг била.

*Ечими:* «истаса», яъни «са» ни истаб, «қилиб»дан «ки» ни ўчириб, унга васл қилинса, «сокий» ҳосил бўлади.

### **28-Каломий номига:**

Ечилди соч будур сендин муроде,  
Ки, қилғайсен каломе, бизни ёде.

*Ечими:* соч «кулола» ечилса, «ла» тушиб, «куло» қолади. Агар «куло», «ми»ни ёд қилса, яъни олдига келса, «каломий» бўлади.

### **29-Амин номига:**

Нетай, ҳар тун чироғу дуду сўзи,  
Намоёндур арода ёр юзи.

*Ечими:* «намо» агар «ён» бўлса, «амн» бўлади ва агар «ёр» юзи, яъни «ё» ҳарфи орага кирса, «амин» номи ҳосил бўлади.

### **30-Мастий сўзига:**

Кўрмайин зор эдим ёр юзин мен хайрон,  
Айлади бесаруно то юзини қилди аён.

*Ечими:* «масо» максура (алиф) билан ёзилса, «маса» бўлади. Бу сўз тонг ва эрта ва «юз» маънисидадир. Юзнинг оқлиги ва тиниклиги тонгга ўхшатишган. Агар «маса» сўзи «т» билан бесаруно, яъни паришон бўлса (айрилса), «мастий» бўлади.

### **31-Қубод номига:**

Юз биёбон тарафига урайин,  
Дарди дил бирла не мунда турайин.

### **32-Дойим Али номига:**

Ёраб, ул хуршидрў бемехр ойим қондадур?  
Ким, анга солсам кўзумни, ё десам кўнглум ғамин.

### **33-Нўмон номига:**

То борғоли гулғузори гул сиймтанам,  
Ҳар ён гулдек чокдурур пираханим,  
Ўлсам кўзу оғзию қади ёди била,  
Чок ўлғуси кўнглак киби ҳар ён кафаним.

### **34-Шухратий номига:**

Юз минг жафо ул ой учун мен қарорсиз,  
Қилгаймен ихтиёр вале ихтиёрсиз.

### **35-Салмон номига:**

Чиқар савдойиларнинг дуд янглиғ охи бошиға,  
Агар келтурса сочини паришон зулфи қошиға.

### **36-Соъид номига:**

مي سويي خرم دورور ايلتور خمار آزاريني  
كورسه خرم سوو ني كيم بيلگاي خماري باريني

۴۲- دارا:

مين عشقيده زار و واقف ايرماس  
حاليمدين اوشال نگار چيني

درديم ني دينيم ولي ني بيلگاي

تا انگلاماغونچه فارسي ني

ایرور مین ترک عاشق کاش بولسام فارسی قانی؟

دیسام حالیمنی بیلگای فارسی دان دلیریم آنی

بیچیمی: بو معما هم (۲۵) معما دیک بیچیلده دی. فارسی نی «ری» هم  
دیرلار. بولمس لیک و بیلمس لیک افاده سی «بی» دن علاوه «نا» بیلن هم  
دری تیلیده کورسه تیلده دی: دان- نادان، خوش- ناخوش سوز لری سینگری.  
بابر بو معما ده «مین ترک من، دری ایمس من» دیگن افاده نی «نا» بیلن  
کورساتیب «نادری» سوز نی یسه گن.

۲۷- ساقی:

پری یولدی جانینگ سینینگ، بایرا

کونگول قوشی دلپسته جانینگ بیله

کونگول اوچماغین ایستاسا جد قلیب

اوچار یار قیل مونس آنینگ بیله

بیچیمی: «ایستاسا» یعنی «سا» نی ایستب، «قلیب» دن «قی» نی اوچیریب  
اونگه مونس قیلینسه، «ساقی» حاصل بوله دی.

۲۸- کلامی:

بیچیلدی ساج بو دور، بیدین مرادی

که قیلغایسین کلامی بیز نی یادی

بیچیمی: ساج «کلاله» بیچلسه، «له» توشیب «کلا» قاله دی. اگر «کلا»،  
«می» نی یاد قیلسه، یعنی آدیگه کیلسه، «کلامی» بوله دی.

۲۹- امین:

نیئای هر تون چراغ و دود سوزی

نمایان دور ارادا یار یوزی

بیچیمی: «نما» اگر «یان» بولسه، «امن» بوله دی و اگر «یار» یوزی  
یعنی «ی» حرفی آره گه کیرسه، «امین» نامی حاصل بوله دی.

۳۰- مستی:

کورمایین زار ایدیم یار یوزین مین حیران

ایلادی بی سر و پا تا یوزینی قیلدی عیان

بیچیمی: «مسی» مقصوره الف بیلن «مسی» بوله دی. بو سوز تانگ و  
ایرته و صورت (یوز) معنی سیده دور. یوز نینگ آق لیگی و تیزیق لیگی  
تانگ «مسی» گه اوخشه تیلگن. اگر «مسی» سوزی «ت» بیلن بی سر و پا  
بولسه، یعنی «ت» آرقه لی آیاغی باشیدن ایریلسه، «مستی» بوله دی.

۳۱- قباد:

یوز بیابان طریغنه اورایین

درد دل بیرله نی موندا تورایین

۳۲- دایم علی:

یارب اول خورشیدرو بی مهر اییم قانده دور؟

کیم انگا سالسام کوزوم نی یا دیسام کونگولوم غمین

۲۱- قیا:

قویاش که یار نی کورگان دیماس لطیف ائی  
انینگ، عذاری قاشیدا دیگیل کثیف ائی

بیچیمی: «وش» اوخسه تیش اوچون فارسی- دري ده ایشله تیله دي. اگر  
قویاش یارگه اوخسه تیلسمه، یعنی «وش» اوتدن چیقاریلمسه، «قیا» سوزي  
حاصل بوله دي.

۲۲- کمال:

کم کورولسه نی عجب اول گلعداز

زلفینی کیم کیلتور و بتور تار- تار

بیچیمی: اگر «اول» زلفی تار- تار قیلینمه یعنی «الف» و «ل» آلینیب،  
مصراع نینگ باشیده گی «کم» سوزي بیلن قوشیلسمه، «کمال» سوزي  
حاصل بوله دي.

۲۳- ندیم:

رندلار بز میغه بییتی شیخ و کوب قیلدی جفا

باده جامی سینمه دي، درهم بولوب اییتی عصا

بیچیمی: «رند» گه جفا قیلسه یعنی «ر» حرفی توشوریلسمه، «ند» قاله دي  
و اگر باده «می» درهم بولسه «یم» بولیب «ند» بیلن قوشیلگنده «ندیم»  
سوزي حاصل بوله دي.

ینه بیر تورلی بیچیمی: جام فارسیچه ده «مینا» دییله دي. اگر «مینا»  
سوزي درهم بولسه، حرف لری جای دن بیجا بولیب، عصا سی یعنی  
«الف» ی سینمه ی، عصانی باشی دیک خم قیلینسه «د» حرفی شکلینی آله  
دی و «ندیم» سوزي حاصل بوله دي.

۲۴- مهتر:

تیلار فراق اول ای دین مینی همیشه بیراق

چو مهر کورساتور اول ای، نی نور مراد فراق

بیچیمی: «مهر» سوزي اورته سیده «ت» حرفی فراق کیلتورسه، یعنی  
«مه» و «ر» اورته سیده «ت» ایریلیق سالسه، «مهتر» سوزي نمایان بوله  
دي.

۲۵- بیرام:

هرگز منگارام بولماس اول گلغامیم

بیل کیم تانیماس اتیم زهی بد نامیم

بیچیمی: بولماسلیک و یوقلیک دري تیلیده «بی» بیلن کورسه تیله دي. بیکار،  
بیمروت، بی پول سوزلری کبی. بیرینچی مصرع ده گی «هرگز رام  
بولماس» عباره سی انه شونداق قاعده گه کوره «رام» بوله آلمسه، «بیرام»  
سوزي اورته گه کیله دي.

۲۶- نادری:

۱۵ - سیاوش:

کونگولنی زهد و تقوی و ورع دین باندوروب تورسین  
سینی دیب یوز یاغاچ دین ای پری وش کیلتوروب تورسین  
بیچیمی: «سینی» یوزی «سی» اگر یاغاچ - «الف» بیلن (راست لیگی  
اوجون الف حرفی گه اوخشه تیلگن) قوشیلیب، «وش» اونگه کیلتورلسه،  
«سیاوش» سوزی نمایان بوله دی.

۱۶ - علامه:

چون سینی باقمس، اول آی نینگ جوریفه یوز باغلامه  
آی یوزینی کورماک ایستار بولسانگ، ای کوز بیغلامه  
بیچیمی: اگر «کوز» عربچه ده «عین» یعنی «ع» حرفی «لامه» نی  
بیغسه، «علامه» سوزی حاصل بوله دی.

۱۷ - رفیع:

چو بارنور اوشبو سرگردان کونگولگا تیلبه لیک ذاتی  
تعجب قیلسانگیز باش سیز ایسه حرفی عبارتی  
بیچیمی: اگر «حرفی» باش سیز بولسه، «رفی» قالدی و اگر «عبارت»  
هم باش سیز بولسه یعنی «ع» حرفی الینیب، «رفی» بیلن قوشیلسه،  
«رفیع» سوزی حاصل بوله دی.

۱۸ - آدینه:

جان بیرله کونگولنی غم غه همخانه دیگیل  
چون تیلیار ادور عرقه جانانه دیگیل  
اول سروغه ای کونگول، بو افسانه دیگیل  
بولسون قدمنگ دا ایکی دیوانه دیگیل  
بیچیمی: ایکی سوز یعنی «دی» و «آه» دیوانه سوزیدن الینیب «آ» حرفی  
باش حرف بولیب باشقه لری قمنیگه قویلسه، «آدینه» سوزی چیه دی.

۱۹ - یاری:

تیلبه بولدوم ایل دیماس حالیمنی ای ظالم سنگا  
یا بیر ی کیلسانگ پیا پی آیتابین حالیم سنگا  
بیچیمی: اگر «یا» بیلن «ری» ایگینچی مصرع ده پیا پی (کیت مه کیت)  
کیلسه، «یاری» بوله دی.

۲۰ - اختیار:

رفیب اوئیده نهان اوینار اول هییب قمار  
نییب اوزوم نی انگا همدم قمار قیلا  
چو اختفای قمار اولدی یار اندا بو زار  
بو ایش نی ایل گانی تیل بیرله آشکار قیلا  
بیچیمی: اوچینچی مصرع ده اگر «اختفا» نی «یار» بوزسه، یعنی «اختفا»  
دن «فا» نی اییریب، اورنی گه اوزی کیرسه، «اختیار» سوزی حاصل  
بوله دی.

بيچيمي: «مينينگ» باشي «م» اگر «يار» تاشي يعني تشقي حرف لري «ي» و «ر» بيلن قوشيلسه، «مير» حاصل بوله دي.

۹- سلمان:

اولوس دين مهر اَلديك خواه اير يكتيك،

اول اي باري بيزينگ بيرله ايليكيتيك

بيچيمي: «اولوس = اَلس» دن مهري يعني «س ل» اَلينيب «بيزينگ» سوزي فارسجه ده «مان» بيلن قوشيلسه، «سلمان» بوله دي.

۱۰- آزاد:

بizar بولدي كونگولوم آزرده قيلدي چون يار

بizar بولغاي اندين ازار تاپسه ناچار

بيچيمي: كونگول «ل»، آزرده بولسه «ل» توشيب، «د» قاله دي و اگر «بizar» «ازار» بولوب، ينه ازار تاپسه، يعني «ر» سي توشسه، «ازا» قاله دي، «د» بلن قوشيلسه «آزاد» نامي حاصل بوله دي.

۱۱- طالب:

سيفماس ايديم تونومغه فرح دين مين حزين

بي مهر يار قيلسه عطايي لباس دين

بيچيمي: «عطا» و «لباس» دن آز- آز «طا» و «لب» اَلينسه، «طالب» بوله دي.

۱۲- اَمَت:

تيلبه كونگولوم ني اَلدوروب تور سيز

بي نيازي ني تا كوروب تور سيز

بيچيمي: «كور» عربيجه ده «ام» اگر «تا» حرفيني كورسه، «اَمَت» سوزي حاصل بوله دي.

۱۳- بابا:

قدينگ خيالي كيم بيرورام جان هوا سيدا

بار نور مگر الف كيبي جانيم ار اسيدا

بيچيمي: اگر «الف» حرفي (راست ليگي بيلن قدقامت گه اوخشه تيله دي) «ب» حرف لري ار اسيده كيرسه، «بابا» بوله دي.

۱۴- ساريغ:

اي حسن سارينگ برگ گل اندامينگ

يوز لاله ني خوار ايتتي خد گل فامينگ

بينكور بير اياغ بيرله باشيني كوك گا

گر آرزويي قيلسه غريبي جامينگ

بيچيمي: «بير اياغ» فارسجه ده «ساغري» بيلن تينگ توره دي. اگر اياغي يعني آخرگي حرف لري «ري» باشيده گي حرف لري «سا» گه بينكورولسه، «ساريغ» سوزي حاصل بوله دي.

بيچيمي: «احسنت» سوزيدن «أت» چيغه ريلسه، «حسن» قاله دي.<sup>3</sup>

۲- بابر:

ايشيکينگ استانيغه قويوبان ايکي بوزومني  
اوپاي گاهي تواضع بيرله سورتاي گاه کوزومني  
بيچيمي: ايشيک «باب» سوزي نينگ اخريده ايکي يوز «ر» حرفي ني ايجد  
حسابي ده قوشسنگيز، «بابر» سوزي حاصل بوله دي.

۳- ابراهيم:

نيچه اتيني ايشينگاج اه اوروب اوزدين کيتاي  
عاقبت باش بارغو، يدور بابر ااهيم دن نيٹاي  
بيچيمي: «بابر ااهيم» سوزلري باشيدن «ب» حرفي چيقاريلسه، «ابراهيم»  
نامي قاله دي.

۴- معين:

کوزوم گه خطي ايردي انينگ مطلوبي  
يوز شکر که روشن ايئي کوز مکتوبي  
بيچيمي: مکتوب نينگ کوزي «م» حرفيني کوز «عين» (عرب تيليده) بيلن  
قوشسنگيز، «معين» نامي چيغه دي.

۵- يوسف:

يوتادور تأسف دين فراقيدا کونگولوم قان  
نيٹاي بو بلا بيرله نيدور دوستلار درمان  
بيچيمي: «يوتادور تأسف» سوزلري بونداق افاده لنگن: «تأسف» سوزي ده  
«يو» حرف لري «تا» اور نينگه کيلسه، «يوسف» نامي حاصل بوله دي.

۶- خالد:

کونگولگا اوت سالور اول گل نينگ ايکي يوزي نينگ آلي  
ايچيمي کويودور انور اول قرا زلف الیده خالي  
بيچيمي: «زلف» يعني «دال» حرفي آلدیده «خال» تورسه، «خالد» بوله

دي.

۷- آزاد:

عشق طورين ايسه تاسانگ قاده يمغه بي اهمال کيل  
عشق ارا ازار يحد چيکمي شام ياد آل کيل  
بيچيمي: «ازار» بي «حد» قيلينسه «ازا» بوله دي. «دال» حرفي قوشيلسه  
«ازاد» نامي چيغه دي.

۸- مير:

ميرينگ بيرله نيچه که بوق معاشي  
ميرينگ باشيم داغي اول يار تاشي

<sup>3</sup> بو معما و کيلگوسى برجه معمار نينگ بيچيمي ش. يارقين دن

بیز گا چون مهرینگ یوق ایلگا مهر بانلیغ قیلماغیل  
یخشیلیغ چون قیلما دینگ، باری یامانلیغ قیلماغیل

\* \* \*

جهان بیرله جهان نینگ اهلیدین بیحد ملالیم بار  
بیریدین قطع ایتهب، اول بیر گا قاتیلما س خیالیم بار

\* \* \*

جان تی فدا قیلیب سینگا بار مین داغی یمان  
قیلغان همان دورور داغی و قیلماغان همان

\* \* \*

ای صبا شرح ایلاگیل هجراندا اوقاتیم مینینگ  
اوتسا اول شه نینگ تابو غیدا اگر اتیم مینینگ

\* \* \*

بولدی هجرینگ دوزخی نینگ برطرف بولماق چاغی  
کیم وصالینگ نینگ دللیلی دور کوزوم نینگ اوچماغی

\* \* \*

هم حسنی نینینگ بنفشه و گل بنده، برده سی  
هم سرو ایرور چمندا بیر آزادکرده سی

\* \* \*

تن زاریم نی دی، گلشندا شاخی ناتوان کورسانگ  
ساریغ یوزوم نی ساغین باغ ارا برگ خزان کورسانگ

\* \* \*

بابر دورور بو ایگی ورق نینگ محرری  
بیری بوتون ورق تور و پیوند لار بیری

\* \* \*

بار مو ایرکین هیچ نیمه عالم دا هجران دین یامان  
هر نی کیم آندین یامان راق یوق، بو دور آندین یامان

## معما لار

۱- حسن:

خلقونگنی راست قیلغیل هر ساریغه که بارسانگ  
احسنت دیر باری ایل گر یخشی ات چیقارسانگ

سنگا عاشق ایماس مین کیم منگا جور ایتگا سین دایم  
سینینگ نازینگنی کیم تارتار، مینی سیندین نی پروایم  
\* \* \*

گر کوزونگدین توشنوم ایرسا، کوردوم آنی باده دین  
بولدی نقصیر ایمدی، سین اوتکار مین افتاده دین  
\* \* \*

چون ضرورت بولدی قیلدیم سیندین ایرو میل جام  
هر چاغیر کیم ایچماسام یادینگ بیلله، بولسون حرام  
\* \* \*

تصور قیلماغیل کیم سیندین ای جان اوزگا قیلغای مین  
کونگول اول، فکر هم اولدور، نی امکان اوزگا قیلغای مین؟  
\* \* \*

بارما کیم کونگلومدا وصلینگ اشتیاقی دور هنوز  
کیل که وصلینگ اشتیاقی مین دا باقی دور هنوز  
\* \* \*

ایشیکینگ گا باشیم قویماق اوچون هر دم عتاب ایتما  
باش الیب کیتگوم آخر ایشیکینگدین، اضطراب ایتما  
\* \* \*

ینه اشفته راق کوردوم اوشال نامهربانیم نی  
نی ایش قیلدیم، نی نقصیر اولدی؟ بیلماس مین گناهیم نی  
\* \* \*

هجر ایله کونگومنی بوزدینگ، وصل بیرله توز مینی  
یاردینگ و اولتوردونگ آخر، کیل داغی تیرگوز مینی  
\* \* \*

اوتگان آقشام و عده ایلاب اول پریرو کیلامادی  
کوز لاریم گا کیچه تانگ آقونچه اویقو کیلامادی  
\* \* \*

ایچیپ چاغیر نی ایشیم تیلله لیک کا یاووشتی  
نیچوک تحمل ایثای کیم ایچیم گا اوت توشتی  
\* \* \*

گوشه بی توتسام، جهان نینگ ایلیدین غم کورماسام  
ایستار ام ایل کورماسا مینی و مین هم کورماسام  
\* \* \*



\* \* \*

بهار موسمی بیستی<sup>2</sup> و خوش هوا اوتتی  
تغافل ایلاما ساقي که اوتتی، ها، اوتتی

\* \* \*

باده دین عشرت اویینی دایم آباد اینگاسین  
هر قچان کیم باده نوش اینسانگ مینی یاد اینگاسین

\* \* \*

یارب، خواص جمعیده بابر نی خاص قیل  
یا خود عوام تفرقه ،،یدین خلاص قیل

\* \* \*

اوزگا همدم ایستابان جانیمغه محرم نیلایین؟  
مین مین و اول آی خیالی، اوزگا همدم نیلایین؟

\* \* \*

اچیلدی کونگولوم اوشول گلغزار کیلگانیدین  
نیچوک که غنچه اچیلگای بهار کیلگانیدین

\* \* \*

بیر فکر و بیر هوا ده نورور هر نفس کونگول  
هر لحظه بیر هوس قیلادور بوالهوس کونگول

\* \* \*

وصال شو قیدا مین، اشتیاق کور ساتما  
خدای اوچون، منگا اسرو فراق کور ساتما

\* \* \*

نیچه باشیمغه یاغدور غای جفا تاشینی اول مهوش  
نیچه صبر ایلائی اینینگ جور یغه کیم اوتدی حددین تاش

\* \* \*

می خماریدین اولور هر نفس افزون دریم  
ساقیا کیل، بیر ایاق بیر، که اولیکیدین باردیم

\* \* \*

جفا نی قوی وفا ترکینی توتما  
اونوتماس مین سین، سین هم اونوتما

\* \* \*

<sup>2</sup> بیت معنی سبکه فره گنده «بهار موسمی اوتدی» بولیشی کیره ک

كوزوم بارو غليغي و خسته كونگوم خوشليغي سين سين  
بدن دا جان سين و جان نينگ داغي دلکش ليغي سين سين

\* \* \*

سنگا حاليمني يازديم سجده فيلاديم  
ايتقيل كيم ني يازديم، ني يانگيلديم

\* \* \*

اتين اغزيمغه اَلدِيم ايرسا تارتار تيغ كين اول مه  
ميني گر اولتورور بولسا بو يازوق بيرله، بسم الله

\* \* \*

ميني «يوق اعتقادي» ديب، باري ايل ايچرا ياد ايتما  
خدائي اوچون باري ايل ني اوزونگديك، اعتقاد ايتما

\* \* \*

جهان چون بيوفا دور، نيچه كيم انديشه باير قيل  
اوزونگني پادشاه جمله عالم تصور قيل

\* \* \*

مهر ايله خورسند ايتارسين، جور ايله پامال هم  
بير زمان غمگين قيلورسين، بير زمان خوشحال هم

\* \* \*

كورماس جهاندا هرگز كونگليني شاد باير  
تاپماس مراد دل ني اول نامراد باير

\* \* \*

بو كوزه كه بوينومغا قويوب كيله يشام اني  
هركيم بو چاغير ايجماسا اوز بوپينيغا قاني

\* \* \*

ياد ايلامادينگ هرگز، مونچه كه يالينيب مين  
سين مين ي ساغينماي سين، مين ي ساغينيب مين

\* \* \*

خطي بيرله اول اي خذي، بيري ماه و بيري هاله  
يوزي بيرله انينگ قذي، بيري سرو و بيري لاله

\* \* \*

الفتيم ايل بيرله از دور، كوب دور ايل جوري منگا  
ني مينينگ طوريم ياقار ايلگا، ني ايل طوري منگا

\* \* \*

کونگوم وصالیدین خوش و کوزومدا نور دور  
کوز روشنی، کونگول خوشی عبدالشکور دور

\* \* \*

بولمادی هرگز نیتای اول بیوفا یاریم مینینگ  
گر منگا یار اولسا اول، بولغای خدا یاریم مینینگ

\* \* \*

یار نینگ اغیار غه مهر و وفاسین انگلادیم  
ناتوان کونگومدا هم جور و جفاسین انگلادیم

\* \* \*

قدین کوز جویباریغه اول آی بیخواست کیلتورسا  
ایاغیدین کوتارمای باشنی، تنگری راست کیلتورسا

\* \* \*

نی آسوغ عشق آرا منع ایلاماک آه و فغانیم نی  
که مین بر باد بیرمیش مین بو یولدا خان و مانیم نی

\* \* \*

سنگا کیم عرض حالیه نی ادا، مین ناتوان قیلدیم  
مبارک خاطرینگنه ناخوش ار کیلسا، یامان قیلدیم

\* \* \*

مشتاق دورور خسته کونگول وصلینگه بسیار  
یاریم کیچه کیلگیل که خیر تاپماسون اغیار

\* \* \*

ای که لعل جانفزایینگ نقل و می دین بخشینور  
کیلگیل اوشبو کیچه، یوز کورسات، که آیدین یخشینور

\* \* \*

کیل که جاندا فرقتینگدین داغ هجران قالماسون  
قالماسون غمدا کونگول، کونگومدا ارمان قالماسون

\* \* \*

عشقه یینگ مییدین، ای جان، کیم مست و بیخبر مین  
گاهی اوزومدا یوق مین، گاهی اوزومدا بار مین

\* \* \*

\* \* \*

کیم که مبطل ایثار اول یاتیشینی  
سیندورور لار باشینی یا تیشینی  
نیگه که اوز ایشینی ترک اییبیان  
هرزه گرد اولوب، ایثار یات ایشینی

## فرد (مطلع) لار

آسمای چهاریار (رح).  
الار کیم شرع الار دین منجلی دور  
ابوبکر و عمر، عثمان، علی دور

\* \* \*

آسمای دوازده امام (رح).  
تورت علی، اوچ محمد، ایکی حسن دور  
جعفر و موسی، حسین، اون ایگی تن دور

\* \* \*

قوتولماق فراقینگدین آسان ایماس  
بییشماق وصالینگه امکان ایماس

\* \* \*

دردینگ اولسا، علاج نی نیتایین؟  
سین سیزین تخت و تاج نی نیتایین؟

\* \* \*

مهربان ایستاب، یلائی بیوفاغه اوچر ادیم  
بیوفا ایرمیش، خداییم، نی بلاغه اوچر ادیم؟

\* \* \*

بولدوم ینه اشفته، دیوانه داغی بارمین  
گویا که بو فرصت ته عاشق بولوب اوخشارمین

\* \* \*

کاشکی ایل بیرله اول مهوش حکایت قیلماسا  
یا حکایت قیلغانینی ایل روایت قیلماسا

\* \* \*

خيال ايتسام اول بيل ني حال ايلتا دور  
ميني بيلي ساري خيال ايلتا دور  
قددي نينگ خيالين كوز اسراب، مگر  
كونگول روضه سي غه نهال ايلتا دور؟

\* \* \*

اي خوش اول كيم قيلسا غمدين كونگليني آگاه عشق  
ايلسا بيغم ليغي نينگ قصه سين كوتاه عشق  
وه، ني كون بولغاي كه قاولاب عقل و دانش خيالي  
بولسا جان بيرله كونگول نينگ كشيوريدا شاه عشق

\* \* \*

سفر عزميني قيلدينگ مين بارا آلماي توروب قالدیم  
نظر لطفيني قيلدينگ ميندين و مين تيلموروب قالدیم  
آنينگديك تند سورددي حجر رخسارين اول قرا كوزلوك  
بير اقين يوز الم بيرله قراسيني كوروب قالدیم  
سيني كورماس ليك كونگول گا غم ايدي، جانيمغه هم  
غير نينگ كورماك ليكي بولدي الم اوزره الم  
يا سينينگ كورماك ليگينگ دين غير بولسا ايردي دفع  
يا سيني كورمايدورور مين، غير ني هم كورمه سم

\* \* \*

قددي فرقتي ميني دوتا قيلور  
قاشي هجري قامتيم ني يا قيلور  
نيچه غير غه اول آي وفا قيلور؟  
نيچه جانيمه مينينگ جفا قيلور؟<sup>1</sup>

## تويوق لار

كابل و غزني ايلي گا ايتينگيز:  
بيز گا بير ايمدي خوشاب و بيره دور  
قاي ساريغه بار غاسيز كيم ملك و مال  
بيز گا موندا حق تعالي بيره دور

<sup>1</sup> بو تور، تايمک ني ايتي عليه ده فرد حسابنه البش هم ممکن

بارورونگدا نی سوزومگا کیراسین  
کیلا سین تند و کوزومگا کیراسین

یوقتورور صبر وثباتینگ، ای بیل!  
خنک ایرمیش حرکاتینگ، ای بیل!

## تورتلیک لار

توتماغیل ای گل روا کیم عشقینگ ایچره هر غریب  
بیرگا باش قویغای خزان یفراغی ینگلیغ سر غریب  
شهر دین بیزار بولسا نی عجب، بی زر کیشی  
عشق ارا بیمار بولسا تانگ ایماس بی مر غریب  
\* \* \*

یار کوب بی مهر نور، طالع بسی نا اعتمید  
وه که کون کوندین بولور مین اوز اوزیم دین تا امید  
وصل بار غاندیک کونگول دین، باردی ایلگیم دین کونگول  
نی منگا اندین خبر دور، نی انگا موندین نوید  
\* \* \*

کیل که بار مای سینی کور مای یوز تومن ارمان بیله  
مقدمینگ دا نقد عمروم صرف ایلائی جان بیله  
نیچه ایستار سین مینینگ در دیم غه درمان، ای طبیب  
عشق دردی بخشی بولغای مو ایکن درمان بیله؟  
\* \* \*

نیچه مهر سیز لیک تین هجر بولیغه بار غای؟  
کیم بو یول دین ای کونگول، اول قویاشتی قایتار غای  
هیچ ایشیتما یین سوزنی، غم غه سالدیلار اوزنی  
یا کونگولنی یا کوزنی قایسی بیر ی سین قار غای؟  
\* \* \*

عبدالصمد ترخان، عشرت بیله بول بی غم  
عبدالصمد ترخان، عشرت بیله بول خرم  
ایل همدی بولغاندا عشقینگدا غم و محنت  
عبدالصمد ترخان، عشرت بیله بول همدم

اوچونچي جهت بو نورور ، دوست لار  
سوزوم مغزیدین ایرایین پوست لار

ني باغ و ني گل نينگ هواسي منگا  
ني گلروي لار مدعا سي منگا

ني ياز و ني کوز دین کونگول آچیلور  
ني يازي و توز دین کونگول آچیلور

ني تیر و ني دي دین منگا نشنه دور  
ني نقل و ني می دین منگا نشنه دور

ني دولت قالیب، تور که مین کور مادیم  
ني عشرت قالیب تور که مین سور مادیم

بسي عیش و کوب شرب مي قيلمیشام  
باري آرزو لار ني طی قيلمیشام

الار ني بارین کورمیشام، بيلمیشام  
بو لار ني بارین تاپمیشام، قيلمیشام

منگا ایمدی کوب آرزو یوقنورور  
یامان نفه، بیه کوب غلو یوقنورور

تعلق علایق بیله قالمادی  
ایشیم بو خلایق بیله قالمادی

شریعت ایشیدا مینی قادر ایت  
طریقت یولیدا مینی صابر ایت

اییر غیل مینی جمله همراه دین  
یوزومنی ابورمه سوی الله دین

ني خبر ایردی صبا بیتکور دونگ  
ني خبر ، جانغه بلا بیتکور دونگ

ني کیلیب تند و ني ناخوش کیتاسین  
ني دماغیم ني مینینگ خشک ایتاسین

فلک دین بیتبستی جفا لار منگا  
بلا اوزره بولدی بلا لار منگا

گهی قیلدی دولت بیله هم نشست  
گهی قیلدی محنت بیله بیرگا پست

گهی تولدورور جام عشرت منگا  
گهی کیلتورور درد و محنت منگا

بسی قلعه بیردی قابالماق اوچون  
کوتاردی ولی بیرگا چالماق اوچون

اگر نیشی بیر بولسا، یوز نیشی بار  
اگر مرهمی بیر، تومن ریشی بار

بیر او نی دسام جان، قیلور جانغه قصد  
بییان توز نی، ایلار نمکدان غه قصد

بار ایرمیش عجب شوم طالع منگا  
ایسیز عمر کیم بولدی ضایع منگا

ینه بیر بو کیم او شوبو فترت چاغی  
که بو جمع بدبخت بولدی یاغی

دیدیم: بو بیغیلغان غه تاپسام ظفر  
بو جمع پریشان غه تاپسام ظفر

قیلائی بر طرف .. لظنت نینگ ایشین  
اوزومدین کم ایلائی اولوس قرغیشین

ینه سلطنت ذکرینی قیلمایین  
بو بیهوده ایش فکرینی قیلمایین

خدا بولی ساری خرام ایلایین  
بو یول قطعی دا اهتمام ایلایین



تیلار مین گداییغه بولسام گدای  
بو دولت نی قیلغای میسر خدای

دیین حمدی دین سونگ رسولیغه نعت  
الهی که نوشگای قبولیغه نعت

رسول جهان و حبیب خدای  
که اندین کیلور ایل گا طیب خدای

سینگا اوزنی بو کون مطیع ایستارام  
سیتی تانگلایق کون شقیع ایستارام

نبی غه درود ایتابین بردوام  
هم اولاد و اصحابیغه والسلام

چو حمد و ثنا دین کونگول تاپتی کام  
قیلای ایمدی مقصود ساری خرام:  
مینینگ سوز لاریم بونور احباب قه  
باری خیل و اتباع و اصحاب قه

که قیلغای مین البته درویش لیق  
طریقت یولیده وفاکش لیق

جهان ایش لارین جمله ترک ایتگامین  
کیتار وقت نه بی اثر کیتگامین

خرد دین بو ایش گر چه کوب دور دور  
ولیکن بو دیوانه معذور درور

منگا کوب جهت تین بو ایش بولدی فرض  
جهت لار نی ایلای بارین سیز گا عرض:

بیری بو که طالع منگا یار ایماس  
سپهر و کواکب مددگار ایماس

مىن اوزوم ايجسام و توتسام سنگا هم  
سین داغي ايجسانگ و توتسانگ منگا هم

دم به دم باده گلرنگ ايجساک  
تون ياريميغه چه اول رنگ ايجساک

مست اولوب ياتساک ایکاو، اندین سونگ،  
ني حضور اولغوسي ياتقاندين سونگ

عمر اکثر بو طريق اوتکارساک  
خوشترور گر بو طريق اوتکارساک.

\* \* \*

سپاس و ستايش خداوند غه  
که اندین گشاد اولدي هر بند غه

انگا ني مثال و ني مانند دور  
خداوند لار غه خداوند دور

انگا ني امير و انگا ني وزير  
انگا ني شبيه و انگا ني نظير

ني يارا و ني حد دورور کيشيگا  
که دخل ايلگاي تنگري نينگ ايشيگا

يامانليغ بيله يخشيلغ اول قیلور  
بورونغي بيله سونگغي ني اول بیلور

عزيز اول قیلور، خوار هم اول قیلور  
شفا اول بيروور، زار هم اول قیلور

بسي پادشاه ني گدا قيلغاي اول  
گدا لار ني هم پادشاه قيلغاي اول

گداييغه بار شاهليق دين نفور  
ني شه ليق، که دارين دين يوز فتور

«شین» شوق دورور شعار عاشق  
آنسیز کیشتی ایشی، عار عاشق

«یا»: یاد بیرور یگانه بولماق  
عالم آرا بی نشانه بولماق  
«نون» ی بو که: بو ایشینگ نهان توت  
دم اورما و عشق ایشیدا قان یوت

«قاف» ی بو که: قولونگا درست اول  
عشق ایشیدا سست بولما، رست اول

ایتای «الف» ی نی سنگا، ای یار:  
آزار بو ایش دا چیککیل، آزار

بیل آخر جمله حرف، «فا» نی:  
بول آخر کار عشق، فانی

کیم بولسا بو وصف لار غه موصوف،  
اول عاشق کامل، اوزگا لار یوف(؟)

لیکن بو دیمان که عشق بیر دور  
بو وصف لار ایچره منحصر دور

سین دیما که عشق او شبو اوق دور  
عشق انواعی بیل آسرو چوق دور

\* \* \*

ای خوش اولکیم باری ایل دین یاشورون  
بیز ایکاو بولساک و بیر گوشه و تون

دف و چنگی و ربابی بولسا  
می و نقلی و کبابی بولسا

«دره نور» مبین نوش ایتساک  
غم هجران نی فراموش ایتساک

هر سوز که ایشیتسا، دیسا بولماس  
سوز بار که ایتسا، دیسا بولماس

سامع غه اگر چه کوب هوس تور  
سوز موندا بییتشتی، ایمدی بس تور

\* \* \*

خوش اول کون لار که عاشق ایردیم  
عشق اهلی بیله موافق ایردیم

هر نی دیسا عشق دین، دیر ایردیم  
هر غم ایسا عشق دین، بیر ایردیم

کونگلو مدامدا کوز و مدامدا عشق ایدی، عشق  
شعریمدا سوز و مدامدا عشق ایدی، عشق

نی یاز دا تیناریم و نی کوز دا  
نی تاغ دا قراریم و نی تور دا

کور صورت عشق کیم بار اوچ حرف  
اوچ حرف دورور، ولی هر اوچ حرف،

مجموع حروف، توقوز اولغای  
هر حرفدا بیر عجب سوز اولغای

بارینی بیان قیلای ایشیتگیل  
کونگلو ننگا عیان قیلای، ایشیتگیل:

«عین» ی، یعنی که: عیب قیلما  
بل، عیب قیلورنی کوزگا ایلما

«یا» سی، یعنی: بیغی دورور طور  
گر یار ترحم ایتسا، یا جور

«نون» ی بو که: ننگ بولماغای هیچ  
هر نیچه که رنگ بولماغای هیچ

ایمدي شرح ایلابین «شش اوزه»  
بیر - ایکی بیت ایتابین تازه

«ماه»، «نوروز»، یانا «سلمک» بیل  
یانا «گردانیه»، «گواشت» دیگیل

یانا «شهناز» بارچه بولدی شش  
باری نینگ جمع حرفی «من سگگش»

\* \* \*

کونگول گا درد و غمینی نی یاووتای؟  
اوزوم نی او و قوش بیرله اووتای  
جهان نینگ اهلیدین اوزگیل طمع نی  
بو عالم ایچره بول آزاده، یعنی

\* \* \*

اول که تقدیر خطین اینتی سواد  
ایلابدی آق و قرانی ارشاد  
پیوسته قاشینی مینگا چینیب  
کیرپیکی اوقینی مینگا آتیب

\* \* \*

ای قادر برکمال، تنگرم  
وی قاهر ذوالجلال، تنگرم

ای بیرگوچی بیر و بار، تنگرم  
وی الغوچی گیر و دار، تنگرم

بولماس صفتینگنی دیسا، نیچون  
کیم بارسین، ای خدای، بیچون

ارتوقراق ایرور کمالینگ اندین  
افزونراق ایرور جلالینگ اندین

کوپ سوز ایشیتیلادی مغفرت تین  
کوپ نکته دییلدی مرحمت تین

# متنوي لار

قيلور جولان اوشول سيمين تن اتليغ  
اتي باردور انينگ گويا قناتليغ

توغيديك جسمي ييل بيرله مركب  
شهابي دور وليكن اتي اشهب

ني اشهب دور، كه ييل دور تيزليك ته  
غباري دين عيبر انگيز ليك ته

بارور گرچه اونى فرسنگ، فرسنگ  
ولي اوز اونىگا اول پيش آهنگ

قدم قويسا، توهم دين مقدم  
ايماس جسم، اول ايرور روح مجسم

جلاوين چيكماسا، راکب ني اول حين  
چيقار غاي لاخلا و لاملا دين

\* \* \*

گر اون ايگي «مقام» توتسانگ ياد  
قيلايين بارچه سين سنگا تعداد

بار «صفاهان»، «نوا»، «بزرگ»، «عراق»  
«راهوي»، «راست»، «زنگوله»، «عشاق»

«زير افگند»، «بوسليك»، يانا  
چون «حسيني»، «حجاز» اون ايگي سانا

بولدي مذکور بو اون ايگي مقام  
بارچه سي بينه- بينه، نام به نام

اولين حرف هر مقام، اي يار،  
«نص» دور و «زرع» و «حب» ني قيل تکرار

## رباعي لار

بابر که دیماس هر کیشیگا هر سوزینی  
ایلچینگ گا دیدی ولی سراسر سوزینی  
سلطانعلی ار سوزوم سنگا دیماس نی تانگ،  
آری لق و نق دیگای قلندر سوزینی

\* \* \*

کیلماس کوزومه قویاش کیبی گر اینگ دور  
باقماس منگا گر آی مینگی ینگلیغ مینگ دور  
گل بیرله گل ایچره فرق ایتماس مین،  
گلخن بیله گلشن منگا ایمدی تینگ دور

\* \* \*

نسیان قلمین نیچه منگا سورگایسین؟  
وقت اولدی که هجر نامه سین بورگایسین  
بو دور تیلاکیم، خطیم نی چون کورگایسین،  
البته اوزونگنی منگا بیتکورگایسین

یارب، نیگا تند بولدی شاهیم، بیلمان  
کور یاشیدین اوزگا عنرخواهیم بیلمان  
بیر هم نظر ایتماس اعتقادیمنی بیلور  
هر لحظه عتاب ایثار، گناهیم بیلمان

\* \* \*

دوران غمي بيله ستمی نی اونوتورور  
اول سبز چهره یار خیالی علی الدوام

هجرانیدا خیال ایآلمان بو طرفه کیم،  
وصلیدا هم خیال اگر بولسا بارچه خام

وصفیدا خام لیق اگر اولسا نی غم دورور  
چون دفع ایآثار خیالی غم و غصه نی تمام

بینگاج بو پیک، پیک نی باتراق روانه قیل  
بات بینکوسیدورور منگا، قیلسانگ گر اهتمام

چون یار رازدار قیلور مین سینی خیال،  
اسرار فاش ایلاما زنهار، والسلام

\* \* \*

اتا نی چونکه قبله دیبتور لار  
قبله ینگلیغ انگا نظر قیلغیل  
اتا اعریتما، ای آتام، زنهار  
اتا از اریدین حذر قیلغیل

\* \* \*

نی سود اشک دین پای در گل لیغیم  
چو ایل دوست لار دین اول ای یوب ایملیش  
اوزین فارغ و بیز نی قیلغان اسیر  
کیم ایرمیش بو ینگلیغ؟ اول ایوب ایملیش

\* \* \*

تمام حسن ایلی مست و هوشیار ایکاندا  
درشت و تند اگر بولسالار، بیلینگ که یریدور  
چاغیر کبرک که ایچیب مست بولسا بارچه بیگیت لار  
چاغیر کیتور، باری خوب لار چاغیر غه ایچکولاریدور



## قطعه لار

خر اسانغه اون آی تار تیب چیریک کابل ساری پاندوک  
قیش ایچره چغچران بیرله کیم اول یول و همی جان آدی

بو فرصت ته کیسی اوتمایدورور هرگز بو داباندین  
بیز اوتتوک، لیک ایل نینگ ایلیک-ایاغین ساووق قالدی

نیچه کون قار تییب، موز یاستانیب، تشویش ایله قوندوک  
ساووق و قار آسرو بیحد اوچون ایل کونگول سالدی

جیبه و آتلاری ایل نینگ قالدی اکثر یول یامان اوچون  
بو یورش ته زیان کوب بولدی، باری بخشی آت قالدی.

\* \* \*

ای که نیب سین اطف اییب، لطف عتاب آمیز ایله:  
«کونگونگ ایستار یار لار بیرله همیشه شاد بول»  
میندین و کیمدین یانا بار دور نغار خاطرینگ؟  
میندین و کیمدین که کونگونگ ایستاماس، آزاد بول

\* \* \*

فرقینگ اولتورور آخر مین دلخسته نی بی شک  
مینی اولتور وصالینگدا، نی یعنی انداق اولتورماک  
نیچه ناصح نصیحت دیگای و مین هم نی قیلغای مین؟  
ازلدا چون که بار دور بو کونگول گا کورگولوک ایماک

\* \* \*

طریق فقر سلوک اهلغه نی خوش بولنور  
ولی بو بولدا کیراکلی دورور رفیق شفیق  
طریق فقر اگر ایستاسانگ، بیبری کیل کیم  
سلوک اهلی دیمیش: «الرفیق ثم طریق»

\* \* \*

بیلور جهان ایلی کیم مهمان ضیافتیدین  
مینینگ طریقیم ایماس اجنتاب قیلماقلیق  
هوا خوش ایردی و احباب داغی قومادیلار  
ضرورت اولدی چاغیر ارتکاب قیلماقلیق

\* \* \*

بو غمدا مین که ایشیم فکرینی نی نوع ایتابین  
نی بیردا ساکن اولای، نی قیلاي، قایان کیتابین؟

نی دیردین ایشیکیم اچیلور، نی مسجددین  
نیچه ایشیک دین ایشیک کا گدا کیبی کیتابین

جهان ایلی بیله گفّت و شنود قیلماس مین  
نیچه سوزومنی دیین، نیچه قاتیق ایشیتابین

زمانه اهلیغه قاتیلدیم و قاتا قالدیم  
اوزومنی کوچ بیله بو دنگ ایلگا نی قاتابین؟

دیمه نی بولدی ایشینگ، فکر قیلغیل، ای بابر  
نی بولسه اول بولور ایرکین، ایشیم نی فکر ایتابین.

\* \* \*

میک صافک اولسا ایگی منک  
شوخی ناب و کجکی جمنک

میک پر نشاطک مستک  
شوخی بی حیایک بزنگ (؟)

شوخی بولسا اسرو خوش سخنک  
سخنک ایلاسا اچیب دهنک

خوبک اولسا بو ینگلیغ اول چمنک  
کیم گلک بولسا اندا نسترنگ

# غزل لار

چمندا سرو ني اولتور غوزوب تورور يوروشي  
قيامتي قوپاريب تور، ات اوزره اولتوروشي

مين شكسته ني قيستاب كونگولني غنچه قيلور  
قاشيني چيتماعي بيرله تار اغزيني بوروشي

سوروب غميني، تعجب قيليب، ليين تيشلار،  
ني خوشتورور منگا ايرنيني تيشلابان سوروشي

تورار رقيب چرايين نرش قيليب دايم  
تيلي چوچوك صنميم، يخشي دور مو بو توروشي؟

كورار رقيب ني دايم، خيال اينار ميني غير  
ني ايلگاي انگا بابر، كه غير دور كوروشي

\* \* \*

اول كه يوز ليلي وش ائينگ عشقيدين مجنون دورور،  
خوب لار سلطاني «ميرزا قاسم ارغون» دورور

تير بارانيدين اول چابك نينگ اي كونگول ني باك؟  
گرچه بيحد تيز دور، يوز شكر كيم اوتكون دورور

زهد صحراسيغه توشتم عشق يوليدين ازيب  
بابر گمره ني ايمدي كيم بو يولغه كوندورور؟

\* \* \*

حبيب بولسا ايدي، يار رقيب اولسا ايدي  
رقيب اولسا ايدي، يا حبيب بولسا ايدي

كونگول گا محنت و غم هر ني بولسا بولسا ايدي  
كه يار غه قاتيليب غيردين قوتولسا ايدي

فراق شهريدا بولغونچه كاش كويونгда  
تتيم سونگاك بولويان، سونگاكيم اوكولسه ايدي.

انديجان ده اونكه زيلگن تدبيردن سونگ بابر خلق ارا فوندي نينگ «بابر و جهان مدنيتي» موزيمي ده «بابر ديواني نينگ انديجان نسخه سي» نامي آستيده سقلنماقده. بابر ديواني نينگ اوشيو نسخه سيده بعضي شعرلر و سوز لر ده كيره كلي چه نقطه قوييلمه گن يا نقطه لر اوز جايدده ايمس. گاهيده سوز لر نينگ آستي، اوسني يا كه آره سيده بعضي سوز لر كيچيك راق قاييبد يازيلگن. بو ايسه متن اوقيشي ني قيين لشتيريب، گاهيده شهبه توغديره دي. شهبه لي جاي سوراق بيلگي سي (؟) بيلان كورسه تيلدي. شونينگديك بعضي جايلر ده بيرار سوز كاتب تامانيندن توشيب قالديرييلگن. شعر نينگ وزني، قافيه و معني سي، همده بابر اسلوب ياردمده بيز اولر ني تولديرييب، ( ) بيلگي سي ايچيده كورستدك. بيز بو اورينيش لرني بابر گه بولگن خالص محبت، قدرشاهليك و چكسيز حره تيميز يوزه سيدن قيايدك. اكر بيلمه ي تورييب، بيرار خطا گه يول قوييلگن بولسه، بابر نينگ پاك روچيند و برچه بابر شيدا لر ي دن عنر سوره ي ميز.

قولينگيزده گي توليم ۲۰۰۱ ييلي نشرگه تيار لنگن ايدي، بيراق نشري كيچيكتي. ۲۰۰۴ ييلي باسمة خانه گه بيياريله ياتگن زمانده بابر ديواني نينگ استابول دانشگاهي كتابخانه سي قولياز مه سي نينگ انقره شهريده «آتا تورك كلتور مركزي» تامانين ۱۹۹۵ ييلي دكتور بلال يوجيل اهتمامي بيلان نشر ايتيلگني دن خبر تاپدك. مذكور عالم بابر ديواني نينگ ايتوب، اوتيلگن قولياز مه سيني بير توليم ده هم فكسميل (عكسي)، هم تركي لاتين يازوي بيلان نشر قاييبد، شعرلر نينگ عروضي وزن لر ي و دستوري خصوصيت لر يني كورسه تيب، لغتنامه و شعرلر نينگ القبايي فهرستي ني توزگن.

سوز سونگيده، بو ايخچم اثر ني نشرگه تيار لب تورگنيمده مينگه علمي مصلحت لر بيرگن برچه عالم لرگه، اينقسه چاپ امكانيني يره تيب بيرگن بابر خلق ارا فوندي رييسي ذ. مشرب اوف گه اوز منتدار چيلگيم ني اظهار ايتنه من.

دكتور شفيقه يارقين

بابر خلق ارا مكافاتي سز اوار ي

فارسجه شعرلر (غزل لړ، قطعه لړ، رباعي لړ و فرنلر) ۹۹ ب - ۱۰۲ ب، عروض وزن لري حقيده قیلدر ۱۰۲ ب - ۱۰۴ ب ورق لریدن جای الگن. یوقاریده کورنیب تورگنی دیک مذکور قولیازمه بابر دیوان لري آره سیده اینگ تولیق و ایشانچلی نسخه بولیب، بشقه نسخه لرده اوچره مه گن شعري نمونه لړ، جمله دن ترجیع بند، مصنوع شعرلر، نامه لړ، فارسجه شعرلر اونده موجود دیر. اوشبو شعرلر نه فقط سان نقطه نظریدن بابر ایجادی بی باي ایته دي، بلکه ژانر نقطه نظریدن تورلی شعر لرنینگ توپلنگنی، شاعر ایجادی نینگ ینگی قیرره لرینی آجیب بیر ه دي.

بیز بو نسخه دن فایده له نیب، ۱۳۶۲ هجری بیلی کابل ده نشر ایتمیلگن (دیوان ظهیر الدین محمد بابر) کتابی گه کیریتلومه گن و نشر دن توشیب قالگن شعرلر نی قوشیب، بعضی ناقص قالگن شعرلر نی هم تکمیل قیلدی، میراث نینگ تولیق راق علمی - تنقیدی متنی نی چاپ قیلاماچي ایديک. افسوس که حاضرچه بونگه امکانیت بولمه ی توریب دي. شونینگ اوچون اوشبو نشرده بابر دیوانی نینگ کابل نشری گه کیرمه گن شعرلر نی کیریتمیش و بعضی نامکمل حالده چاپ بولگن شعر لرنی مکمل شکلده چاپ ایتمیش گه قرار قیلدیک.

بابرنینگ فارسجه شعرلری و نامه سی اوشبو سطرلر مؤلفی تمامیدن ترجمه قیلیندی. بیز بو منظوم ترجمه ده امکان قدر بابرنینگ تیلی، اسلوی، قولله گن سوزلری و بدیعی صنعت لری، قافییه سی و عروضی وزن لری نی سقلش گه حرکت قیلدیک. بیر - ایکی شعر ترجمه قیلینمه ی قالگنی نینگ سببی شعرده ترصیع و تجنیس صنعتی نینگ قوللنگن لیگی دیر. هر بیر تیل نینگ اوزیگه خاص نیچه معنالی سوزلری بار که اولرنی بشقه تیل گه ترجمه قیلیب بولمه یدی. ترجمه قیلگن حالده هم بیر نیچه معنالی بیر سوز اورنیگه بیرنیچه سوزلرنینگ ایشله بیسی لازم بوله دي و بو حالنده، شعرنینگ گوزه ل لیگی و شاعرنینگ مهارتی یوقالیب کیتنه دي. بو اوزییکچه شعری و نشری ترجمه لړ اوزییک اوقوچیلری گه بابر نینگ فارسجه میراثی بیلن یقین راق تادیشیش امکانیتی یره ته دي دیب، امید قیله میز.

۱۹۹۳ میلادی بیلده بابرنینگ ۵۱۰ بیلی لیگی افغانستان نینگ جوزجان ولایتیده طنطنه لی بیرم و علمی سیمینار لړ اوتکه زیلیشی بیلن نشانلندی. شو مناسبت بیلن «بابر منگولیکی» ناملی توپلم محمد حلیم یارقین اهتمامی بیلن نشر ایتمیلدی. بو کتابده بابر دیوانی نینگ کابل نشری گه کیرمه گن بابرنینگ ۵۲ معماسی هم اعلان قیلینیب، جمله دن ۲۷ معما اوشبو سطرلر مؤلفی آرقه لی حل قیلینگن ایدي. بیز «بابر دیوانی تکلمه سی» ده مذکور معمالر نی «بابر منگولیکی» کتابیده کورسه تیلگن بیچیمی (ینه اوچ معما حلی بیلن جمعی ۳۰ ته معما نینگ بیچیمی بیریلدی) بیلن بیرگه تقدیم ایتمیش، قالگن معمالر نی ذهنی اوتکیر کتابخوان لړ نینگ اوزلریگه حواله قیلدیک.

بابر دیوانی نینگ قولیمیزده گی ۳۷۴۳ سانلی قولیازمه نسخه سینینگ فوتوکاپی سی ۲۰۰۱ بیلی ۱۴ فیرووری ده بابر نینگ ۵۱۸ بیلی لیگی مناسبتی بیلن

بیز « دیوان ظهیر الدین محمد بابر » نی تیار له یاتگن وکنده، بعضی بیر سبب لر گه کوره، استانبول دانشگاهی کتابخانه سیده سقلنه باتگن بابر دیوانی قولیازمه سی نینگ آخرگی صفحه لرینی نشرگه کیریتلمه گن ایدیک. یعنی، بابر دیوانی نینگ اوشبو قولیازمه سیده گی بیر قنچه فارسجه شعرلری، اوزبیکچه معمالری، مصنوع شعرلری، مصنوع ترجیع بندی، منثور نامه لری، و بیر قنچه غزل و تویوق، رباعی و مثنوی، قطعه و فردلر، تور تلیک لر، همده عروض وزن لری گه دایر بابر یازگن ایکی صفحه لی متن کابل نشریگه کیریتلمه ی قالگن ایدی. (الدینگی نشرلرده، همده بابر دیوانی نینگ کابل نشری اساسیده تیارلنگن سونگی ایکی نشرده هم اوشبو شعرلر کیریتلمه گن.)

بابر خلق ارا فوندی بیلن همکارلیکده الیب بارگن ایزله نیش لریمیز ثمره سی اوله راق، بخت یار بولیب، یوقاریده اییتب اوتیلگن استانبول دانشگاهی کتابخانه سیده سقلنه یاتگن بابر دیوانی نینگ تولیق قول یازمه نسخه سی کاپی سی قولیمیزگه توشدی. بو نسخه دن فایده له نیب، بابر دیوانی نینگ تکمله سی نی چاپ گه تیارلش گه موفق بولدیک. منه ایندی شو نسخه اساسیده، « بابر دیوانی نینگ تکمله سی » نی عزیز اوقووجی لرگه تقدیم ایتماقده میز.

بابر دیوانی نینگ اوشبو قولیازمه نسخه سی توصیفی قوییده گی لردن عبارت:

- بو نسخه ۲۷۴۳ رقمی استیده استانبول دانشگاهی نینگ ترکی قولیازمه لر بولیمی ده سقلنه دی.
- خطی نستعلیق بولیب، قولیازمه نینگ اورته صفحه لریدن ایکی - اوج ورق یمازاق خط بیلن یازیلگن.
- نسخه نی ۱۰۴ ورق بولیب، جدولی یوق.
- ورق لر نینگ بیچیمی ۲۰ x ۱۳ سانتی متر بولیب، هر صفحه ده ۹ - ۱۳ سطرگه چه متن یازیلگن.
- نسخه نینگ کتابت تاریخی معلوم ایمس، اما ۹۳۵ هجری ییل نسخه سی نینگ یوزیدن کوچیریلگن.
- قولیازمه ده بابر شعری گه عاید قوییده گی اثر لر نی کوریش ممکن: والیه رساله سی، غزل لر، رباعی لر، مثنوی لر، قطعه لر، تویوق لر؛ معما لر، مطلع لر، مصنوع شعرلر و فردلر. نسخه نینگ آخریده بابر نینگ فارسجه شعرلری، منثور نامه لری (ایکی ته اوزبیکچه و بیرته فارسجه) و عروض وزن لری گه دایر ایکی صحیفه ده گی فکرلری جای الگن.
- نسخه والیه رساله سی ترجمه سی بیلن ۱ - ب صحیفه سیدن باشله نیب،
- ۱۱ - ب صحیفه سیده توگه یدی. قالگن شعرلر قوییده گی دیک جایلشگن:
- غزل لر ۱۳ ب - ۴۲ ب، مثنوی لر ۴۳ ب - ۵۲ ب، رباعی لر ۵۲ ب -
- ۷۶ الف، معمالر ۷۶ الف - ۸۰ ب، قطعه لر ۸۰ ب - ۸۳ الف، تویوق لر ۸۳ الف
- ۸۴ ب، مطلع لر ۸۴ ب - ۸۸ الف، مصنوع شعرلر ۸۸ الف - ۹۰ ب، مثنوی،
- رباعی و ترجیع بند لر ۹۱ الف - ۹۸ ب، نشری مکتوب لر ۹۸ ب - ۹۹ ب،

## کیریش سوز

ظهير الدين محمد بابر شاه اوزبیک - فارس ادبياتي تاريخيده پارقين ايز  
قالديرگن نواللسانين شاعر، ماوراء النهر، افغانستان و هندوستان تاريخي، جغرافيه  
سي، اتنوگرافي سي، ديموگرافي سي، اقليمي، فولکلوري، خلاصه فيليب اينگنده،  
بو يورتلر همده اونده يشه ي ديگان خلق لر حقيده کولپ انيق معلومات ني بيروجي  
اثر يعني «بابر نامه» نينگ مؤلفي دير.

بابر نينگ ايجادي، اينيقسه «بابر نامه» اثر ي جهان خلق لري اړه سيده  
کينگ شهرت فاز انيب، تورلي تيللرگه ترجمه فيلينيپ چاپ ايتيلگن و ايتيلماقده.  
جمله دن، بابر نينگ ديواني ايريم قول يازمه لر اسماء، يده بير نيچه بار تورلي اولکه  
لرده نشر ايتيلدي، اوزبیک حياتي، شخصيتي و اثر لري حقيده عليحده مقاله لر،  
مونوگراف لر، رساله لر و کتاب لر يازيليب، هر تمانله علمي تدقيق فيلندي.

افغانستانده هم بابرتي اورگه نيش تاريخي اوزاق اوتمشگه ايگه دير. بابر  
افغانستان ني سيويب، اوزبیک قلمي بولميش کابل ني «خالصه» ديب اعلان قيلگني  
و اوليمي آلدین «ميني کابل ده دفن قيلينگ لر» ديب وصيت قيلگني اوزبیک بو  
يورت گه نسبتاً بولگن صهيمي مهري دن دلالت بيره دي. بابر نينگ بونداق  
مناسبتی افغانستان عالم لري و تدقيق اچي لري نينگ اونگه بولگن قيزيقيش و  
احترامي ني اويغندي و شاعر حقيده کولپ تدقيقات لر نينگ يوزه گه کيليشي گه  
سبب بولدي. پوهاند عبدالحی حبيبي، علامه استاد صلاح الدين سلجوقي، استاد  
خليل الله خليلي و بشقه عالم و تدقيقاتچي لر نينگ بابر حقيده گي بيریک علمي  
تدقيقات لري شو مهر و محبت نشانه سي دير.

۱۹۸۳ يیلده بابر تولدي نينگ ۵۰۰ يیل ليگي کابل شهريده، افغانستان  
علملر اکادمي سي تمانين نشان له نيپ، شو مناسبت بيلن شاعر ديواني نينگ علمي  
- تنقيدي متني مفصل مقدمه، سوز ليک و ايضاح لر بيلن شو سطرلر مؤلفي تمانين  
تيار له نيپ، چاپ، فيلندي. بو نشرده ترکیه نينگ استانبول دانشگاهي، تويقاپو  
سزايي و معلم جودت کتابخانه لري، فرانسه نينگ پاریس ملي کتابخانه سي و  
هندوستان نينگ رامپور کتابخانه سي قوليازمه نسخه لر يدن فايده له نيلگن ايدي.  
بوندن شقري بنگال، استانبول، پتربورگ، تاشکند و مسکو نشرلري اوز ارا  
ساليشتير يليب، اولرده يوز بيرگن خطالر هم کورسه تيلگن ايدي.

بابر ديواني نينگ مذکور نشري اوزبیکستان ده «کابل نشري» نامي بيلن  
مهور بوليب، حاضرگه چه اينگ توليق و توغري متن حساب لنه دي. اوزبیک  
اسماء، يده پروفيسور ع. عبدالغفوروف و محمد خواجه اوغلي حسن خواجه تمانين  
بابر ديواني نينگ ينگي نشرلري چاپ ايتيلدي. (اما کابل نشریده کورسه تيلگن  
آلدینگي نشرلر نينگ خطا لري بو ايکي نشرده قیته دن تکرار له نيپ، ينگي متني و  
چاپي خطالرگه يول قوييلگن.)

بابر خلق ارا فوندي

# ديوان ظهیر الدین محمد بابر

(کابل نشریگه تکمله)

دکتر شفیقه یارقین

نینگ

مقدمه و اهتمامی بیلن

تاشکند- ۲۰۰۴